



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

**“Мафкуравий иммунитет масаласининг Президент
И.А.Каримов асарларидаги таҳлили” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ” таълим йўналиши
битирувчи 4 курс талабаси
Азимов Шерали Чориевич

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Ўқ. Мамаражабов Ғ

ТЕРМИЗ-2013

Мундарижа:

Кириш.....	2-13
I-БОБ. И.А.Каримов миллий мафкуранинг зарурияти ҳақида.	
1.1. И.Каримов мафкура тушунчаси ҳақида.....	14-24
1.2. И.Каримовнинг мафкуранинг турлари ва кўринишлари ҳақида.....	25-31
1.3. И.Каримов миллий мафкуранинг зарурияти ҳақида.....	32-37
II-БОБ. И.А.Каримов асарларида мафкуравий иммунитет масалалари.	
2.1. И.А.Каримов ғоявий бўшлиқ тўғрисида.....	38-55
2.2. И.А.Каримов мафкуравий иммунитет тўғрисида.....	56-59
2.3. И.А.Каримов мафкуравий иммунитетни шакллантириш тўғрисида...	60-68
Хулоса.....	69-70
Фойдаланилган адабиётлар.....	71-73

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан унинг етакчиси, раҳнамоси халқ билан ҳамжиҳатликда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигида ўз олдига муайян мақсад ва вазифаларни белгилаб олди. Зеро бу вазифалар жамият, давлат, халқ, ва миллий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маърифий таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади.

Маълумки, инсон ҳеч қачон ташки дунёдан ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти туфайли содир бўлган турли ҳодиса ва жараёнлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир қилади.

Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий юксакликка эришиши қийин. Айрим ёвуз кучлар таъсир кўрсатиш орқали ўз ғаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли барча даврларда инсон ва жамият ўз мақсад муддоларини ифода этадиган манфаатига зид бўлган зарарли ва бегона ғояларга қарши туради.

Ҳар бир халқ миллат ва жамият, ўз манфаатига хизмат қилиб, унинг тараққиётини таъминлайдиган, унга ёрдам берадиган ғояга, мафкурага эҳтиёж сезади.

Бинобарин, ғоя муайян миллат ва халқнинг мақсад-муддolari, манфаатлари замирида шаклланади ҳамда такомиллаша боради. Миллий ғоя ҳам миллат манфаатларини халқларимиз орзу-истакларини ўзида мужассамлаштиради. У ўзининг ҳаётбахш ғоялари буюк мақсадлар билан ўз куч-ғайрати, ақл заковати ва ҳатто ҳаётини буюк ғоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Инсоният тарихидан маълумки, ер юзида дастлабки одамзот пайдо бўлиб, унинг уруғ, қабила, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки давлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Чунки, мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради”.

Дарҳақиқат барча даврларда ҳар бир давлат, халқ жамиятнинг ўзига хос ғояси ва мафкураси бўлган. Чунки жамиятнинг халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади, уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган ғояси ва мафкураси бўлса, у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ғоя, мафкура жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб, бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. “Мақсад дегани,-деб ёзади И.А.Каримов-халқни, миллатни бирлаштирувчи йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, орзу-интилишларини, керак бўлса қудратли, орзу интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади, ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, кўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.”¹

Мафкуранинг ҳаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс этира оладиган бош ва асосий ғоялар, бу ғоялар уларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, табиатига қанчалик мос бўлиши билан белгиланади. Ҳаёт синовларига бардош берадиган, одамларнинг эзгу мақсад муддаоларини ифодаладиган, уларга маънавий руҳий қувват берадиган мафкурани кўпчилик қабул қилади. Фақат шундай халқдагина у кучга руҳий қудратга эга бўлади. Шу сабабли ҳам мафкура барча даврларда жамиятни юксак ва

¹И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: Ўзбекистон. 2000. 6-бет.

бунёдкор мақсадлар йўлида бирлаштириб, жамият аҳли ўртасида соғлом муносабатларни шакллантирган, ҳамда эзгу орзулар, мақсад-муддаоларига эришишда маънавий-руҳий куч-қувват берадиган омил вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам ғоя ва мафкура барча инсонлар, халқлар, жамият ва давлат олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда ёрдам берадиган турли соҳада фаолият юритадиган жамият аҳлини бирлаштириб, уларни умумий мақсад сари сафарбар этадиган буюк кучдир.

Шу сабабли ҳам у инсонлар, халқлар, жамият ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Мафкуранинг ҳаётбахш кучи, аввало инсоннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушуниш ва уни қандай ижтимоий ҳаракат ва фаолиятга ундаш ва шу тариқа кўзлаган муайян мақсад-вазифаларига эришиш дунёдаги барча эзгу мафкураларнинг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Лекин дунёда бунёдкор мафкуралар билан бир қаторда, И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, вайронкор эзгуликка қарама-қарши мафкуралар ҳам мавжуддир. Улар орасида тоталитар, мустабид мафкуралар ҳам мавжуд. Бу муайян давлат, жамиятда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини, унга хос тамойилларининг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлоқ тартибда ўрнатилишини ифодалайди.

Алоҳида мафкура якка ҳокимлигининг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир мафкуравий тизим ягона илмий жиҳатдан асосланган энг адолатли, жамиятдаги муайян қатлам манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон қилинади. Ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралар сифатида эътироф этилади. Фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги инкор этилади. Оқибатида миллионлаб кишилар ягона фикрга мослашиш, мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик ҳолатига тушиб қолиб, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шаклланади. Жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади. Аслида бундай ягона мафкура яккаҳокимлиги ёвуз ниятларда амалга оширилиб, давлат мафкурасига

айланади. Ижтимоий ҳаётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади ва жамият ҳаётини фикрлар эркинлигини бўғади.

Миллий мафкура-миллатнинг этносоциал бирлик сифатида мавжудлиги ва ривожланиши, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий назарий қарашлар тизимидир. Миллий мафкурани фақат бир миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушуниш тўғри эмас. У муаян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси ҳам бўлиши мумкин. Миллий нафақат муайян этник бирлик, балки “давлат” маъносини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, “миллий даромад”, “Миллий қуроли кучлар” бирикмаларида у “давлат” сўзининг маънодоши сифатида ишлатилмоқда. Миллат ҳудудий, иқтисодий, сиёсий ва этник алоқалар (маданият, тил, ўз-ўзини англаш) умумийлиги замирида юзага келадиган этносоциал бирликдир. Шунинг учун ҳам миллий мафкуранинг бундай хусусияти Президент И.А.Каримов асарларида билдирилган фикрларда бевосита ўз ифодасини топган. Юртбошимизнинг мафкуравий таҳдидлар, мафкуравий иммунитет ва бошқалар юзасидан билдирилган мулоҳазаларни таҳлил қилиш асосида ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Зеро, мусулмон халифалигини ёки янги бир кўринишдаги собиқ иттифокни тиклаш, тарихимизни сохталаштириш, турли ғайриилмий талқинлар ёрдамида алоҳида ўзбек миллати йўқ деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилаётган мафкуралар айнан бизнинг миллат сифатида мавжудлигимиз, ривожланишимиз, жаҳон халқлари ўртасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўлишимизга қарши қаратгандир. “Лекин, биз ўзимизни ҳамма вақт Мустақил миллат ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор”,-деб ёзади И.А.Каримов.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги: қуйидагилар орқали намоён бўлмоқда.

Биринчидан: ҳар қандай халқ миллат давлатининг, жамиятнинг маълум мафкураси мавжуд бўлади. Табиий, уларсиз миллатни, халқни, жамиятни,

давлатни тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов асарларида мафкура масаласига алоҳида урғу беради;

Иккинчидан: мафкуралар ҳам ўзига хос хусусиятларига кўра И.А.Каримов айтганларидек маълум тизим, турларга бўлинади. Табиий, уларнинг келиб чиқиши, шаклланишга ривожлана бошлаши маълум ҳудуд, маълум халқ ҳаёти, онги, турмуш тарзи, ёки маълум гуруҳнинг манфаатлари билан боғланган бўлади:

Учинчидан: миллий мафкуралар тадқиқотнинг долзарблиги яна шундан ҳам келиб чиқадики, миллий мафкуралар шакл ва кўринишларига кўра жуда хилма-хил ва ранг-барангдир;

Тўртинчидан: И.А.Каримов асослаб берганларидек миллий мафкурасиз инсон, жамият ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Улар бир-бири билан диалектик алоқададир;

Бешинчидан: бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтишда ўтиш даври мавжуд бўлади. Бу ғоявий бўшлиқни келтириб чиқаради. Бу даврда турли-туман, ҳатто ёт-зарарли бегона мафкуралар ҳам тарқала бошлайди.

Олтинчидан: ёш ғоя, мафкуралар таъсирига қарши аҳолининг, хусусан, ёшларнинг И.А.Каримов қайд қилганларидек мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур бўлиб қолади.

Еттинчидан: ёшларда Ватан туйғуси, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик ҳислатларини тарбиялаш учун ёшларда мафкуравий имунитет ҳақидаги эътиқодни шакллантиришини талаб қилади.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари:

Биринчидан: инсон жамият, халқ, миллат ҳеч қачон, ҳеч қаерда мафкурасиз бўла олмайди. Инсон эътиқод қиладиган, ишонадиган дунёқарашига айлантира оладиган мафкурага эҳтиёж сезади. Чунки инсон мақсад муддаолари, орзу-умидлари, манфаатлари, интилиш, ҳаракатлари маълум мафкурада акс этади;

Иккинчидан: мафкуралар ўз тури, тилига кўра бунёдкор, вайронкор мафкураларга бўлинади. Битирув малакавий ишимизда уларнинг мазму-моҳиятини тушунтириб беришни ўзимизга мақсад қилиб олганмиз;

Учинчидан: мафкуралар, миллий мафкуралар ўз моҳияти, шакли, мақсад-муддаолари жихатидан И.А.Каримов айтганларидек хилма-хил эканлигига эътиборимизни қаратмоқдамиз;

Тўртинчидан: инсон ва жамият ҳаётида миллий мафкуранинг ўзига хос ўрни мавжуд эканлигини таҳлил қиламиз;

Бешинчидан: И.А.Каримов ўтиш даврида мустақилликнинг дастлабки йилларида маълум одамлар онгида ғоявий бўшлиқ содир бўлганлигини таҳлил қилганига эътиборимизни қаратмоқчимиз;

Олтинчидан: Қаерда ғоявий бўшлиқ содир бўлса ўша жойда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурдир;

Еттинчидан: Ёт, зарарли, бегона ғоялар тарқалган жойда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга асосий эътиборни қаратишни таҳлил қилмоқчимиз.

Вазифалари:

1. И.А.Каримов асарлари асосида мафкура тушунчасининг маъно-мазмунини баён этиш;

2. Президентимиз қайд этганларидек бунёдкор ва вайронкор мафкура турларининг мазмун моҳиятини очиб бориш;

3. И.А.Каримов мафкураларнинг хилма-хиллиги, яъни шакллари, кўринишлари ҳақида фикр киритганлар, биз эса уларнинг маъно-мазмунини баён этамиз;

4. И.А.Каримов миллий мафкурани асослар экан унинг инсон ва жамият ҳаётига алоҳида урғу берганлигини баён этамиз;

5. Мафкуравий иммунитет заруриятини ғоявий бўшлиқ келтириб чиқаради. Шунга кўра ғоявий бўшлиқ масаласига тўхталамиз;

6. Мафкуравий иммунитет тушунчасини маъно-мазмунини очиб берамиз;

7. И.А.Каримов аҳолининг, хусусан, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришга алоҳида эътибор берганлигини кўрсатиб ўтамиз.

Илмий янгиликлар ва эришилган натижалар: битирув малакавий ишида амалга оширилган янгиликлар шундан иборатки, биринчидан: мафкуранинг маъно-мазмуни, унинг турлари, типлари, шакл ва кўринишлари И.А.Каримов асарлари, олимларимизнинг илмий тадқиқотлари асосида таҳлил қилиб берилган; иккинчидан: И.А.Каримов асарларида ғоявий бўшлиқ, мафкуравий иммунитет, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари асослаб берилган.

Эришилган натижалар: аҳоли, ёшлар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришда, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг амалий аҳамияти: БМИда баён этилган ғоялар, хулоса ва тавсиялар асосида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарбияларни кучайтиришга, ёшларга ғоявий тарбия беришида, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ишнинг методологияси БМИни баён этишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, интервьюлари республикаimiz олимларининг тадқиқотлари методолигик асос бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг методлари: БМИ ни баён этишда умумфалсафий методлардан кузатиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик, абстрактлик ва конкретлик, анология методларидан фойдаланилди.

Ишнинг ҳажми: БМИ кириш, икки боб, олтита параграф, хулоса, таклиф ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 74 бетни ташкил қилади.

Тадқиқот объекти ва предмети: БМИ нинг объекти-мафкура масаласидир, унинг предмети эса И.А.Каримов асарларида мафкуравий иммунитетни асослаб бериш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар таҳлили:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” (-Т. 2012 йил)да мамлакатимизнинг асосий қонун қоидалари баён этилган.

2. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (-Т. 1992 йил) асарида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли белгилаб берилган.

3. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (-Т. 1997 йил) асарида мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига хавф солаётган таҳдидлар ва уларни бартараф этиш йўллари баён этилган.

4. И.А.Каримовнинг “ Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ , миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” (-Т. 1998 йил) асарида мафкуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

5. И.А.Каримовнинг “ Тарихий хотирасиз келажак йўқ “ (-Т. 1998 йил) асарида тарихнинг ҳолисона яратилиши, тарихий хотиранинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

6. И.А.Каримовнинг “ Ўзбекистон XXI аср сари интилмоқда “ (-Т. 1999 йил) асарида республикаимиз тараққиётининг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

7. И.А.Каримовнинг “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” (-Т. 1999 йил) асарида Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишлари таҳлил қилинган.

8. И.А.Каримовнинг “ Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (-Т. 2000 йил) асарида миллий мафкурани шакллантириш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш масалалари баён этилган.

9. И.А.Каримовнинг “миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз курилишида биз учун рухий-маънавий куч-қувват манбаи “ (-Т.: 2000 йил) нутқида миллий мафкуранинг шаклланиши ва аҳамияти таҳлил қилинган.

10. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч “ (-Т.: 2008 йил) асарида маънавиятнинг шаклланиши, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти баён этилган.

11. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Мустақилликга эришиш оstonасида “ (-Т.: 2011 йил) асарида мустақиллик арафасидаги ахлоқ ва уни тузатиш масалалари таҳлил қилинган.

12. И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажагимизнинг гаровидир “ (-Т.: 2012 йил) асарида тарихий хотирада, инсон омили масалалари таҳлил қилинган.

13. И.А.Каримовнинг “бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш “ (-Т.: 2012 йил) маърузасида 2012 йилнинг якунлари 2013 йилнинг устувор вазифалари таҳлил қилинган.

14. Д.Алимованинг “Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир” (-Т.: 2002 йил) рисоласида мафкура, ғояларнинг шаклланиши ва ривожланиши масалалари таҳлил қилинган.

15. А. Бегматов, Р.Рустамованинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маданий – маърифий тадбирлар” (-Т.: 2008 йил) рисоласида миллий ғоя тарғиботи таҳлил қилинган.

16. Ҳ. Бобоев, З.Ғофуров, З.Исломовларнинг “Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёти” (-Т.: 2008 йил) асарида миллий мафкурамизнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган.

17. Ҳ.Бобоев, З.Ғофуровларнинг “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти” (-Т.: 2001 йил) асарларида халқимиз тарихида илгари сурилган таълимотлар баён этилган.

18. “Ватан юракдаги жавоҳир” (-Т.: 2001 йил) тўпламида миллий қаҳрамонларимиз ҳаётидан лавҳалар баён этилган.

19. А.Жалоловнинг “Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият мафкура.” (-Т.: 1994 йил) асарида мафкура маънавиятнинг мустақиллик давридаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.
20. Н.Жўраевнинг “Агар огоҳ сен “ (-Т.:1998йил) асарида мустақиллик даврида амалга оширилган долзарб масалалари таҳлил қилинган.
21. Н.Жўраевнинг “Мафкуравий иммунитет “ (-Т.: 2000йил) рисоласида мафкуравий иммунитетга оид масалалар таҳлил қилинган.
22. Н.Жўраевнинг “Ғоявий иммунитет “ (-Т.: 2001 йил) рисолада мафкуравий иммунитет масаласи таҳлил қилинган.
23. Н. Жўраевнинг “Янгиланишлар концепцияси” (-Т.: 2002 йил) рисоласида мустақиллик даврида асосланган концепцияси ҳақида фикр юритилади.
24. Н. Жўраевнинг “Тарих фалсафасининг назарий асослари” (-Т.: 2008 йил) китобида бу фаннинг предмети, мақсад, вазифалари, аҳамияти таҳлил қилинган.
25. А. Иброҳимовнинг “ Бизким, ўзбеклар.” (-Т.: 1999 йил) китобида халқимиз тарихининг узоқ яқин ўтмиши таҳлил қилинган.
26. М. Имомназаров, У.Саидовларнинг “Миллий тараққиётнинг маънавий ахлоқий асослари “ (-Т.: 2005 йил) рисоласида жамиятимизнинг маънавий ахлоқий масалалари баён этилган.
27. Б.Исоқовнинг “Зиёлилик маъсулияти” (-Т.: 2008 йил) рисолада замонавий инсоннинг маънавий қиёфаси таҳлил қилинган.
28. “Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар” (-Т.:2002) рисоласида мустақиллик давридаги мафкуравий таҳдидлар баён этилган.
29. С.Мамашокиров, Ш.Тоғаевларнинг “Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий масалалари” (-Т.: 2007) рисоласида миллий ғоянинг аҳамияти маънавий-маданий асослари таҳлил қилинган.

30. Ш. Мадаевнинг “Миллий менталитет ва демократик тафаккур” (-Т.: 2007) асарида миллий менталитет ва демократик тафаккур масалалари таҳлил қилинган.

31. “Маънавий юксалиш йўлида”(-Т.: 2008 йил) тўпламида И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асари таҳлил қилинган.

32. Қ. Назаровнинг “Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари” (-Т.: 2002 йил) рисоласида миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари баён қилинган.

33. У.Саидовнинг Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари “ (-Т.: 2005 йил) рисоласида миллий ғоянинг тамойил) лари ҳақида фикр юритилади.

34. “Миллий ғоя ва раҳбар маънавияти” (-Т.: 2007 йил) китобида миллий ғоя, унинг ўрни, аҳамияти, ёт зарарли ғояларга қарши кураш масалалари ҳақида фикр юритилади.

35. Ж. Туленов, К.Юсупов , З. Гофуровларнинг “Истиқлол тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари” (-Т.: 1993 йил) рисоласида миллий мафкуранинг ўрни аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган.

36. Ш.Тўраевнинг ”Демократик жараёнлар ва миллий ғоя” (-Т.: 2008 йил) рисоласида миллий ғоянинг ислохотлар билан алоқаси ҳақида фикрлар берилган.

37. Б.Умаровнинг “Глобаллашув зиддиятлари” (-Т.: 2008 йил) асарида бу даврдаги зиддиятларнинг хилма-хиллиги таҳлил қилинган.

38. Х.Худойбердиев ва бошқаларнинг “Ўзбекистоннинг мустақиллик тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар” (-Т.: 2002) рисоласида мустақиллик ва мафкуравий жараёнлар масалалари таҳлил қилинган.

39. Х.Худойбердиевнинг “Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарурий ғояларнинг жамиятимизга таъсири// миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти” (-Т.: 2007) мақоласида мафкуравий муаммолар ва таҳдидлар масалалари баён этилган.

40. А.Чориев, А.Мансуровларнинг “Ғоя, тарих ва миллий тафаккур “ (-Т.: 2002 йил) рисоласида ғоя, эътиқоднинг аҳамияти тўғрисида фикрлар билдирилган.

41. Ғ.Шодиевнинг “Маънавият ва ёшлар” (-Т.: 2008) рисоласида ёшлар тарбиясида ва маънавият масалаларига тўхталинган.

42. А.Эркаевнинг “Ўзбекистон йўли” (-Т.: 2011) китобида ўтиш даврида амалга оширилган И.А.Каримов концепциялари таҳлил қилинган.

43. М.Қуроновнинг “Эзгу ғоялар рўёби” (-Т.: 2011) асарида тарбиявий муаммолар таҳлил қилинган.

I-БОБ. И.А.Каримов Миллий мафкуранинг зарурияти ҳақида.

1.1. И.А.Каримов мафкура тушунчаси ҳақида.

Мафкура тушунчасининг луғавий мазмуни икки манбага бориб такалади. Тадқиқотларда қайд қилинишида мафкура – юнонча *idia-igeya*, ғоя образ ва *logos* – фикр, таълимот деган маънони ҳамда арабча “муфаккир”, “муфаккиратун” сўзларидан олинган бўлиб чуқур маъноли теран мазмунли фикр деган маънони англатади.

Мафкура тушунчасига файласуф олимлар турли таърифлар берган бўлиб, уларнинг шакли ва мазмуни хилма-хилдир. Ж.Туленов, К.Юсупов, З. Ғофуровларнинг қайд қилишларича: “Мафкура кенг маънода – муайян бир жамиятдаги мавжуд бўлган ҳар бир социал гуруҳ, миллат ва элат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлар манфаатини ифодаловчи ва уларга хос бўлган ғоялар тизимини ташкил этади ва ўзининг ранг–баранглиги билан ифодаланади.

Тор маънода–мафкура жамиятимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг умумий муддаоларини ифодаловчи ва уларнинг бошини бириктириб, жипслаштириб битта асосий мақсадга, яъни республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ундайдиган миллий истиқлол ҳақидаги ғоялар билимлар йиғиндисини ташкил этади¹”.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Маъруза матнлар учун материаллар” Тошкент. “Янги аср авлоди” 2001 йил) муаллифлари: “Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламининг миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий – маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир”(10-11 бетлар) деб таърифлайдилар.

“Фалсафа. Қомусий луғат”. (Тошкент “Шарқ” 2004 йил)) муаллифлари эса мафкурага қуйидагича таъриф берганлар: “Мафкура – (араб – фикрлар

¹Ж. Туленов, К.Юсупов, З. Ғофуровларнинг “Истиқлол тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари” Тошкент 1993 йил 13 бет.

мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу – истак ва мақсад – муддаолари ифодаланган ғоявий назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими” (244 бет).

“Миллий истиклол ғояси” дарслиги муаллифлари эса: “мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг миллат ёки давлатнинг, жамиятнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий ривожланиш принципларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир”. (35 бет.) деб қайд қилади.

И.А.Каримов ўзининг “Фидокорлар” газетаси мухбири саволларига берган жавобида мафкура ҳақида шундай деган эди: ”Мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки мурод – мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг мафсаатлари бор экан, улар ўз тараққий йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади.

Менинг фикримча, - деган эди И.А.Каримов, - мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғлик мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб ўзининг иймон – эътиқоди сифатида қабул қилади. Шундагина у энг замонавий қуролдан ҳам кўра руҳий маънавий қудрат касб этади¹”.

Хуллас, мафкура жамиятнинг муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий ва бошқа қарашлари, фикрлари, ғояларининг йиғиндисидан иборат.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий – сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон

¹ И.А.Каримовнинг “ Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” Тошкент 2000йил 6 бет.

томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятида назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидан иборат.

Мафкура (идеология) атамаси француз файласуфи ва иқтисодчиси А.К.Дестют де Траси (“Идеология унсурлари” асарларида, 1801 йил)) биринчи бўлиб илмий муомалага киритган бўлиб, мафкура сиёсат, ахлоқ ва бошқаларни қатъий асосини белгилаш учун ғоялар ҳақидаги таълимотни тушунган.

Шунингдек, Пьер Жан Жорж Кабонис (1757 – 1808 й) “Инсоннинг жисмоний ва ахлоқий табиати ўртасидаги муносабатлар” (1802 й, файласуф врач) номли асарида, Константин Франсуа Вольней (1752 – 1802 й) (француз маърифатчиси)нинг ”Ахлоқнинг физик(табiiй) принциплари” асарларида мафкура ҳақидаги таълимот илгари сурилган. Францияда Наполеон ҳукмронлик қилган йилларда идеологлар, мафкурачилар деб жамиятнинг ҳаёт ва мавжуд сиёсатдан амалий ажралиб қолган қарашларни тарғиб қилувчиларни аташган.

Кейинроқ коммунистик мафкура ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар ва бу мафкура буржуа мафкурасига қарши қаратилди. XX асрнинг 90-йилларига келиб, бу мафкура инқирозга юз тутди. Ғоялар каби мафкуралар ҳам бунёдкор ва бузғунчи характерга эга бўлади. Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири ақидапарастликдир. Бундай мафкуралар маълум даврларда Ғарбда ҳам Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган даврлар бўлган. Бундай ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қўйган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик, осойишталик, тараққиётга таҳдид солмоқда. Ақидапарастлик қаерда қачон илгари сурилганига қарамасдан ҳамиша жамиятга хатарли ҳодиса бўлган.

Ғарбий Европада ўрта асрларда ақидапарастлик мафкураси инквизация католик черковининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатиб, ҳар қандай ҳурфикрлилик ривожига ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлди. Н.Коперник, Г. Галилей каби юзлаб буюк ақл- заковат соҳиблари мана шундай

акидапарастлик таъкибларига учраганлар. Испан Мигель Сервет 1553 йил) 27 октябрда, Джордоно Бруно (итальян) 1600 йил) 17 февралда ўз илмий карашлари учун оловда ёқилди. Италия. Лючемио Ванини эса 1619 йил) 9 февралда дорга осилди.

Шарқда эса имом Бухорий, Ибн Сино сингари буюк алломалар ҳам турли тазйиқларга дучор бўлганлар. Мансур Ҳаллож 922 йил)да дорга осилган, Сайид Имодиддин Насимий 1471 йил)да тириклайин териси шилиниб қатл этилган, Бобораҳим Машраб эса 1711 йил)да Балх ҳокими Маҳмуд Қатоғон амри билан дорга осилган.

Дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар пайдо бўлаверади. Бузғунчи ғоялар эса вайронкор интилишлар туфайли пайдо бўлаверади.

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий тараққиётнинг янги босқичи бозор иқтисодиёти сари ривожлана бошлади. Бу жараёнда иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий, сиёсий вазифаларни ҳал қилиш, ислохотларни амалга ошириш, миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Шунини аниқ айтиш зарурки, собиқ шўро тузуми таркибида бу масалага эътибор, миллий ғоя, миллий мафкура тўғрисида фикр юритиш мутлақо мумкин эмас эди. Иттифоқ мафкураси яккаҳокимчиликка асосланган бўлиб, миллий мафкурага, ғояга ўрин қолдирмас, байналминалчиликка урғу берилар эди.

Ўзбекистон халқи, ўзбек халқи манфаати, орзу – интилишлари собиқ шўро мафкурасини қизиқтирмас, бунга хизмат қилмас ҳам эди.

И.А.Каримов ўзининг кўплаб асарлари, хусусан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўзбекистон XXI аср сари интилмоқда”, “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пироворд мақсадимиз”, “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” каби асарлари, чиқишларида миллий истиқлол

мафкураси таълимотини ишлаб чиқди. Бу мафкура эса янги жамиятни куришни ўзининг асосий вазифаси деб қарайди.

Одатда ҳар бир давлат, жамият ўзи бошқараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, элатлар ва миллатлар, диний эътиқодлар вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи умумхалқ мафкурасига эга. Шу билан бир қаторда умумдавлат мафкураси талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, табақалар, миллатлар, элатлар, турли дин вакиллари, ўз мафкураларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарур. Чунки бундай иш умумдавлат, умуммиллий мафкурани янада аниқлашга, бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъмин этади.

Шунга кўра мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари мақсад – муддаолари, манфаатлари, орзу – интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш усуллари ўзида мужассам эттирадиган ғоялар тизимидир.

Миллий мафкура эса мафкуранинг кўринишларидан бири бўлиб, у ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Мафкура ўз моҳияти ва вазифасига кўра хилма – хилдир. Дунёдаги жамиятлар, халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳ ва қатлам, тоифалар бири-бирига айнан ўхшаш бўлмаганидек, уларнинг мақсад ва манфаатларини ўзида назарий ифодаладиган мафкуранинг ҳам хилма-хил бўлиши табиий бир ҳолдир. Дунёда мавжуд бўлган хилма-хил мафкурадан бири – бу бизнинг миллий мафкурамиздир.

Миллий мафкура деб маълум миллат, элат манфаатларига хизмат қиладиган, унинг орзу – умидлари, мақсад – муддаолари, интилиш, ният, мақсадларини акс эттирадиган фикрлар, ғоялар йиғиндиси айтилади.

Ўзбекистон миллий мафкураси инсоният тарихидаги энг ажойиб ғояларга, яъни, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий адолат тенглик ҳамжиҳатлилик, ўзаро тотувлик, иноқлик, дўстлик –

биродарлик ҳақидаги ғоя ва таълимотларга асосланганлиги билан эътиборга сазовордир.

“Мустақиллик мафкураси – жамият аъзоларининг ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин – қизлар, фахрийлар, тадбиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, унинг хатти – ҳаракатларини, фаолиятини, фикр – зикрини ягона бир мақсадга – мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуи. Мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштирадиган муҳим омиллардан биридир¹”.

Бизнинг мафкурамизни “миллий истиқлол мафкураси” деб аталишида жуда катта маъно ва мазмун бор. Бу энг аввало , унинг фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки Ўзбекистондаги барча халқлар ва миллатларнинг умумий мақсади ва манфаатлари йўлида бир хилда , айирмачиликларсиз хизмат қилишини билдиради. Иккинчидан, эса миллий истиқлол мафкураси мустақилликка эришиш, унинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий – маънавий заминларини мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштиришни таъминлайдиган омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Миллий истиқлол мафкураси жамият тараққиётининг муҳим омили, халқнинг истиқболини белгилайдиган қарашлар, ғоялар мажмуи сифатида мамлакат фуқароларини ўзга мамлакатларга тобе бўлмай эркин ва озод яшаш, ўзини ўзи идора этишга даъват этадиган ғоялар тизимидир. Миллий мафкура – бу мустақил миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизим қуриш учун амалга оширилаётган ва узоқ муддатга мўлжалланган ислохотлар буюк келажагимизга ишонч руҳида суғориладиган тақдири омон ғоялар ҳаракатлар мажмуидир.

¹ Мустақиллик .Изоҳли илмий – оммабоп лўғат Тошкент “Шарк” , 2009й 102 бет .

Миллий мафкура, миллий истиқлол мафкураси ўзининг бир қанча хусусиятларига эга. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - миллий истиқлол мафкурасининг асосидир. Миллий истиқлол мафкурасини яратилишида Асосий Қонунда белгиланган ғоялар, йўл – йўриқлар асос қилиб олинган. Шунинг учун ҳам унинг мазмун – моҳияти, тамойиллари, ғоялар, мақсад ва вазифалари Конституцияга ҳамоҳанг, тўла монанд, мос ва мувофиқдир.

Конституция ҳар қандай давлатнинг қиёфаси, юзи, обрў – эътибори ҳисобланади. “Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни - миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир¹”.

Ўзбекистон Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғояси, тамойиллари мафкурасига кўра янги ҳукукий ҳужжатдир. “Шу билан бирга бу Конституция умумий мазмундан тортиб оддий бир бандига қадар, Хожа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темир замонида шаклланган миллий тафаккурни муқаддас исломий қадриятларини ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ ҳислатлар бу муборақ ҳужжатдан муносиб ўрин олган²”.

Конституциямизда меҳр – оқибат, одамийлик ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илмга интилиш, ор – номус, иффат ва ҳаё, ватанпарварлик каби эзгу фазилатлар миллий истиқлол мафкурамизнинг мазмун – моҳиятини, мағиз – мағизига чуқур сингдириб юборилган.

Иккинчидан, миллий истиқлол мафкурасининг назарий асослари, мазмун – моҳияти, мақсади ва вазифалари, жамият тараққиётидаги аҳамияти ўзида номларини мужассамлаштириш ва қандай саволларга жавоб бериши кераклиги Ўзбекистон Республикасининг Президенти асарларида нутқи ва суҳбатларида илмий – назарий асослаб берилган. И.А.Каримовнинг миллий

¹ Каримов,И.А “ Биздан озод ва обод Ватан қолсин ” 2- жилд Тошкент “Ўзбекистон “ 1996 й 93 бет.

²Каримов,И.А “ Биздан озод ва обод Ватан қолсин ” 2- жилд Тошкент “Ўзбекистон “ 1996 й 93 -94 бетлар.

истиклол мафкурасининг жамият ҳаётидаги уюштирувчилик, жипслаштирувчилик роли, миллатни миллат, юртни юрт, халқни халқ қилишдаги моҳияти ва маъноси ҳақидаги таълимоти бугун барчага аён.

И.А.Каримов томонидан маънавият, мафкура ва миллий ғоянинг узвий бирлиги, мутаносиблиги ҳақида концентрал ғоя илмий ижодий кашф этилди. Бу унинг илмий-назарий жасоратдир.. Президент таълимотида илмий ифодадаланишича, мафкура жамиятнинг мустақил сиёсий жабҳаси сифатида маънавиятга асосланади. Миллий ғоя моҳиятида эса айнан ана шу маънавият ётади. У миллий ғоя учун туб асос. Муштарак ҳолда мафкуранинг моҳиятини белгилайди.

Миллий ғоя истиклол мафкурасининг туб мундарижаси, Миллат-у юртнинг буюк мақсадлари сари чорловчи, сафарбар этувчи маёқ, бош стратегиясидир. Миллий ғоя биз қурмоқчи бўлган буюк давлат, биз орзу қилиб яшамоқчи турмуш тарзи аломатларини белгилаб берди. Зотан, миллат ўз стратегик тараққиёт ғояларига, миллий тафаккурига эга бўлмаса миллат бўла олмайди. Аниқ, равшан стратегик вазифа бўлмаса, на бирор халқ, на бирор жамият ўз истикболини кўра олмайди. Миллий ғоя миллат келажаги, тараққиёти ва истикболини олдиндан кўриш ва илмий фаҳмлашда катта ўрин тутади.

И.А.Каримовнинг “Туркистон” газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобларида мустақиллик мафкураси миллий ғоя масалалари устида тўхтаб шундай дейди. Миллий ғоя ҳақида жуда кўп ва узоқ фир юриштиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг халқни ва мақсадларини аниқ-равшан чарағон этадиган мафкура-миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти-одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатда эътироф этиш, бу махсусда

баҳс мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очик-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради”.

Учинчидан, миллий истиқлол мафкурасида синфийлик, яккапартиявийлик мафкурасига хос бўлган ҳукмронлик, зўравонликдан асар ҳам йўқ.

Тўртинчидан, миллий истиқлол мафкураси ўзининг мазмун-моҳияти, туб мақсад ва вазифаларига кўра зулм ва зўравонликка, ғирромлик ва сохтакорликка ғайриинсоний, ғайримиллий ғояларга асосланмаган, шу сабабли ҳам ҳалокатга учраган коммунистик мафкурадан ер билан осмонча фарқ қилади. Улар табиатан моҳиятан тубдан қарама-қаршидир. “Шўро даврининг мафкураси, Коммунистик дунёқараш, -дейди. И.А.Каримов, аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳам буткул ҳалос бўла олганимиз йўқ”.

Бешинчидан, миллий истиқлол мафкураси жамаки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси инсондир, деган ғояга асослангандир. Унинг туб мақсади –инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини муқаддас деб билиш ва ҳимоя қилиш иборат.

Олтинчидан, миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий урф-одат, анъаналарига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга⁸ хизмат қилади.

Еттинчидан, миллий истиқлол мафкураси ҳар қандай партиявий мафкуралардан устун бўлиб, ўзида халқимизнинг иймон ва инсон, ватанпарварлик, табиатга меҳр-муҳаббат етим-есирларга, мискинларга раҳм-шафқат, бағрикенглик, мурувват, оқилу-донолик, саҳоват, одамийлик, дўстларга вафодорлик, меҳмоннавозлик каби юзлаб ва минглаб хислат ва фазилатларни мужассамлаштирган.

Саккизинчидан, миллий истиқлол мафкурамизда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, аҳоли турли қатламлари, миллатлар ва элатлар, сиёсий партияларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, манфаатлари ўз ифодасини топган. Асосий қонунимизнинг 12-моддасида айтиб ўтилганидек, “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”.

Тўққизинчидан, Мафкурамизнинг айна пайтда ҳам миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этганлиги, энг ривожланган, тараққий топган давлатлар, жамиятлар, халқлар ва миллатларнинг тарихий тажрибалари, ютуқларига таянганлиги унинг ўзига хос жиҳатларидан бўлиб ҳисобланади.

Ўнинчидан, Миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини очиб берадиган, инсонпарварлик моҳиятини тўла ифодаладиган, унинг мустабид тузум давридаги мафкурадан тубдан фарқладиган жиҳатларидан яна бири фикрлар хилма-хиллигига асосланганлигидир.

Фикрлар хилма-хиллиги ҳеч қачон жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатган эмас. Фикрлар ранг-баранглиги ҳар доим янгидан –янги ғояларни келтириб чиқарган ва бойитган. Турли фикрлар асосида баҳслашув ҳақиқатни билиб олишга олиб келади. Тарихда илм-маърифат тараққиётга ана шу йўлдан борган. Агар барча масалалар ва муаммолар бўйича ҳамма одамлар, сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар, жамоат ташкилотларида бир хил фикр бўлса, ўзгача фикр –мулоҳазалар назар писанд қилинмаса, бу тафаккур кишанланганлиги, бўғиб қўйилганлиги, тафаккур тараққий этмаганлиги далолатидир.

Турлича фикрлилик, ғоялар ва қарашлар хилма –хиллиги фожеа эмас, балки инсон ақл-идроки ва тафаккури тез ривожланиб, такомиллашиб, бойиб бораётганлигининг ифодасидир. Бу ерда энг асосий масала –турлича қараш

ва нуқтаи назарларга ҳолисона баҳо бериш, уларнинг энг яхшиларини танлаб олиш, улардан амалиётда оқилона фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам фикрлар хилма-хиллигини миллий истиқлол мафкурамиз ривожланишини таъминлашга имкон берадиган йўللardan бири деб қараса бўлади.

Ўн биринчидан, Миллий истиқлол мафкурасининг асл маъноси эскича қарашлар ва ақидалардан тамомила ҳоли бўлган, бошқача айтганда, “Озод, ўз ҳақ – ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир”¹.

Ўн иккинчидан, миллий истиқлол мафкураси–том маънода Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган барча халқлар, элатлар, миллатларини манфаатларини умумий тарзда ифодаладиган мафкурадир. Бошқача айтганда, у мамлакатимизда истиқомат қилаётган, ўзининг Ўзбекистон фуқароси эканлигидан чексиз фахрланадиган ифтихор туйғуларини туядиган барча халқлар ва миллатларнинг умумий муддаоларини ифодаладиган, уларнинг бошини бирлаштириб, жипслаштириб битта асосий мақсадга ундайдиган нуқтаи назарлар, ғоя ва эътиқодлар, билимлар тизими, мажмуини ташкил қилади.

Ўн учинчидан, миллий истиқлол мафкураси мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуриш ва мустаҳкамлашнинг ғоявий асосидир.

Ўн тўртинчидан, миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиздаги жамики халқлар ва миллатларни, давлатимиз фуқароларини буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашади.

¹ Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 19-б.

1.2. И.А.Каримов Миллий мафкураларнинг турлари ва кўринишлари ҳақида.

Инсоният тарихининг ҳар бир босқичи ўзига хос ва мафкуралар билан боғлиқ бўлгани каби мафкуралар ҳам ўзига хослиги нуқтаи назаридан икки турга бўлинади. Уларнинг биринчиси эзгулик, яхшилик, инсонийлик билан боғлиқ бўлган бунёдкорлик ғоя ва мафкуралари, уларнинг иккинчиси ёвузлик, ёмонлик билан боғлиқ бўлган вайронкорлик ғоя ва мафкураларидан иборат.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб кетади, яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган.

Бунёдкорлик мафкураси деб жамият тараққиётини олдинга, ривожланишига етаклайдиган, мамлакат аҳолисининг нисбий кўпчилигига хизмат қиладиган, жамиятдаги ҳар қандай ёвузликни, жаҳолатни, инсон манфаатларига зид бўлган ҳолатларни қоралайдиган ғоялар йиғиндисига тушунилади.

Бунёдкорлик ғоя ва мафкураларига қуйидагилар киради:

- | | |
|-------------------|-----------------------|
| 1. Озодлик | 8. Мустақил |
| 2. Тинчлик | 9. Адолат |
| 3. Тенглик | 10. Ҳамкорлик |
| 4. Дўстлик | 11. Бирдамлик |
| 5. Ҳурфикрлилик | 12. Маърифатпарварлик |
| 6. Бағрикенглик | 13. Халқпарварлик |
| 7. Ватанпарварлик | 14. Инсонпарварлик. |

Маълумки бунёдкор ғоя ва мафкуралар тараққиётга хизмат қилади, жамият ва инсонни эзгуликка ундайди.

Жумладан, **озодлик** мафкурасини олсак, инсоният ўзини таниб олибдики, озодлик ҳақида уйлайди, озодлик учун курашади, бу курашга ўз ҳаётини бағишлайди, керак бўлса унинг учун жон таслим қилади.

Жамиятда давлатларнинг келиб чиқиши, давлатларнинг кучли, кучсиз, катта, кичик, бадавлат, қашшоқ ва бошқа давлатларга бўлиниши натижасида бошқа юртларни истило қилишлар бошланиши билан одамларнинг тобе кишиларга айланганлари озодликни илгари сурдилар. Бу минг –минг йиллаб давом этди.

Ер шарида буюк географик кашфиётларнинг амалга ошиши тобе, мустамлака мамлакатлар сонини кўпайтириб юборди. Тобе халқлар сони ошди. Жумладан, қадимги Афина давлатида бир зодагон кишига 17 нафар озодликдан маҳрум бўлган кишилар тўғри келар экан. Ёки инглиз мустамлакачилиги сайёрамизга тарқалганда 50 миллионлик Англия давлатига мустамлака мамлакатлар аҳолиси 600 миллион кишига тўғри келган экан. Натижада озодлик ер шари аҳолисининг энг кўп қисмининг муҳим орзусига айланиб қолди.

Шубҳа йўқки янгича сиёсий тафаккурнинг янада ривожланиши, инсоният демократик тараққиётининг энг юқори босқичи сари интилиши халқлар озодлиги соҳасида муҳим ўзгаришларни қарор топтиради.

Бунёдкор мафкураларидан яна бири тинчлик мафкурасидир. Муаррихларнинг далолат беришларича инсоният тарихининг кейинги 3 минг йили ичида ўн тўрт мингта катта –кичик урушлар бўлиб ўтибди. Уларнинг баъзилари бир неча соат, баъзилари юз йиллаб давом этган. Шу йиллар давомида бори йўғи 282 йил урушсиз йиллар бўлган. Уруши-қирғинлик, вайронкорликдан иборат XX асрда бўлиб ўтган 2 та жаҳон урушини оладиган бўлсак 1-жаҳон урушида 10 миллион, 2-жаҳон урушида эса 60 миллион аҳолининг ёстиғини қуритди. Бу эса ўта кетган вахшийликдир. Шунинг учун асрлар давомида эзгуликни ифода этган тинчлик ғояси ва мафкураси илгари ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам бунёдкорликни ифода этган мафкура бўлиб қолаверади.

Тенглик ғояси, мафкурасининг мазмун-моҳиятини инсонлар, жамиятлар, мамлакатлар, давлатлар ўртаси тенг муносабатлар олиб бориш ташкил қилса, дўстлик ғояси, мафкураси шу ҳолатни дўстона, яхши муносабатлар олиб боришни ифодалайди.

Хурфикрлилик ҳар қандай эркин, озод фикр юритишга қарши кураш кучайган пайтларда келиб чиққан бўлиб, таъқиқ, чеклаш, жазолашлар билан аҳолини, инсонларни бирлаштириш эмас, эркин фикрлилик, хурфкрлилик асосида бирлаштиришни тақазо этадиган мафкурадир. Бу мафкура ижтимоий тараққиётнинг ҳар босқичида ўзига хос ривожланиб келган ва эзгуликни, бунёдкорликни ўзида мужассамлаштиради.

Бағрикенглик мафкураси айниқса ҳозирги даврда миллатлараро, динлараро муносабатларнинг энг муҳим масаласига айланди.

Ватанпарварлик мафкураси ҳар бир мамлакатнинг фуқароси, аъзоси, ўз туғилиб ўсган, фаолият юритаётган, яшаётган мамлакат, Ватан, давлат учун фидоийи инсон бўлишни тақозо этади.

Мустақиллик, мафкураси ҳар бир мамлакатнинг мустамлака, ярим мустамлака, қарам мамлакат бўлиб эмас, ўз тараққиётини мустақил, озод белгилашни талаб этади. Бу борада Ўзбекистон 1991 йил 31 августдан мустақил тараққиёт сари ривожланиб бормоқда.

Адолат, мафкураси ҳар қандай жамиятда адолат тамойилига амал қилинишини ифодалайди.

Ҳамкорлик ғояси, мафкураси эса ҳар қандай инсон, корхона, мамлакат, ижтимоий қатлам ўртасида ўзаро ўзаро ҳамкорлик бўлиши тараққиётнинг маълум омили мавжуд эканлигидан далолат беради.

Бирдамлилик ғояси, мафкурасининг асосий мазмунини барча тараққий этиш йўлига интилаётган кучларни бирлиги, яхлитлигини талаб қилади.

Маърифатпарварлик ғояси, мафкурасининг асоси-аҳолини билимдон, саводхон, маърифатли қилишни талаб қилади. Чунки фарзандлари, ёшлари билимдон мамлакат ҳамиша кучли мамлакат бўлиб келган.

Халқпарварлик ғояси, мафкураси худбинлик, шахсиятпарастликка қарши бўлиб ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган мамлакатда, сайёрамизда яшаётган, фаолият кўрсатаётган халқ мақсад –муддаолари билан яшаш, фаолият кўрсатиши, улар учун қайғуриш, ёрдамлашишни талаб қилади.

Инсонпарварлик барча яхши инсоний фазилатларни ўзи, атрофидагиларга намоён этишдан иборат.

Ғоя ва мафкураларнинг иккинчи тури вайронкор, бузғунчи мафкуралардир.

Бузғунчилик ғоялар, мафкуралар халқлар бошига сўнгсиз қулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғоя, мафкуранинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабохат ва жаҳолат янги –янги шаклларда намоён бўлишига уринади. Лекин улар одамзотнинг, адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тўхтата олмайди.

Шу билан бирга вайронкор ғоя, мафкураларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад –муддаоларини билиш ниҳоятда муҳим. Бу фуқаролар, айниқса ёшлар учун бузғунчи ғоялар, мафкуралар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун зарур билимларни эгаллашга ёрдам беради.

Вайронкор, бузғунчи ғоя, мафкураларга қуйидагилар киради:

- | | |
|---------------------|-------------------|
| 1. Мустабидлик | 6. Босқинчилик |
| 2. Террорчилик | 7. Ақидапарастлик |
| 3. Жаҳолатпарастлик | 8. Ирқчилик |
| 4. Миллатчилик | 9. Маҳаллийчилик |
| 5. Ватансизлик | 10. Ёвузлик |

Жумладан, **мустабидлик** ғояси, мафкурасига вақтида Чор Россияси, кейин эса қизил империя шу тамойиллари асосланган эди. Марказлашган Русь давлатининг мустақамланиб, кенгайиб бориши жараёнида юзага келди ва катта давлатнинг ҳамда катта миллатнинг босиб олинган ва забт этилган

халқлар ҳамда элатларнинг устидан мафкуравий ҳукмронлигини ифодалашдан иборат.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам Чоризмнинг “бир бутун, яхлит ҳамда бўлинмас Россия сиёсати давом эттирилиб, бундай сиёсат янада юқори поғонага кўтарилди.

Кўп миллатли иттифоқдош Республикалар СССРнинг маъмурий қисмларига айлантирилди, уларда ҳар йили қандай китоб, журнал газета қанча тиражда чоп этиш Марказнинг рўйхати ва назорати асосида амалга оширилди. Тенг ҳуқуқли миллатлар оиласи эмас эди.

Балки зўравонлик, куч ҳамда мажбурийлик асосида юзага келтирилган сунъий уюшма эканлигини у охир –оқибат бутун дунёга намойиш этди, бу нарсa унинг ўз-ўзидан, ичидан чириб, барбод бўлишининг, парчаланиб кетишига олиб келди.

Террорчилик ғояси, мафкураси аҳоли ўртасида даҳшат, ваҳимани кенг тарқатиб, аҳолини қарахт қилиб ўз азми-қарорига буйсундириб, демократик тинчликсевар, бунёдкор ишларни амалга ошираётган мамлакат, давлат, шахсларга нисбатан тазйиқ ўтказадиган мафкурадир.

Жаҳолатпарастлик ҳар қандай эзгу ғояларни амалга оширишга билимдонликка, маърифатпарварликка қарши қаратилган ёвузлик, қашшоқликни тарғиб қиладиган мафкурадир.

Миллатчилик мафкураси кеча ёки бугун келиб чиққан ҳодиса эмас. У қадимийдир. Унинг яққол кўриниши шовинизмга, фашизмга буюк давлатчилик ғояларига бориб тақалади. Катта миллатлар томонидан кичик миллатлар элатлар қораланади. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов Россиянинг “Независимая газетаси”си муҳбири саволларига берган жавобларида “Ўзбекларни” “иккинчи даражали одамлар” деб атагани”ни қайд қилган эди.

Ватансизликнинг икки хил кўриниши мавжуд: унинг биринчи кўриниши ўз Ватанида яшаб, ўз Ватани тўғрисида умуман қайғурмаслик, давлатдан олиш, лекин давлатга ҳамда мамлакатга ҳеч нарсa бермасликни ўз ичига

олса, унинг кўриниши бошқа, бегона, узок юртларда ўз Ватани, миллати, халқидан узокда яшашдан иборат.

Ер шарида турли миграцион ҳодисаларнинг бўлиб туриши Ватансиз бўлган кишилар сонини кўпайтириб юборди.

Шунингдек “космополитизм” деган мафкура ҳам Ватансизликни тарғиб қилади.

Босқинчилик ғояси, мафкурасиз инсоният тарихидаги энг разил мафкуралардан бўлиб маълум, нисбатан кучсизроқ бой-бадавлат мамлакатларни ёвузларча босиб олишдан иборат. Бунга фашистларнинг собиқ СССРга бўлган босқинчилик уруши ҳисобланади. Шунингдек ҳозирги вақтда террорчилар мафия гуруҳлари ҳам босқинчилик ғояларидан фойдаланадилар.

Ақидапарастлик фикрлар: қарашлар хилма-хиллиги бўлишига қарамасдан, маълум фикр ёки ғояга ёпишиб олишдан иборат. Масалан ислом давлати, халифалик давлати ғояларига ёпишиб олиб, тараққиёт улар юзага келса содир бўлади деб, тушунишдан иборат.

Иркчилик ғояси, мафкураси ер шари аҳолисини европасиз, монголоид, негроид иркларига бўлади. Унинг асосий мақсади монголоид, негроид иркига мансуб бўлган инсонларни сингдириш, рухий эзиш, камситишдан иборат бўлиб, уларни ақли, истеъдоди, қобилияти паст деб билиши, европоид иркига мансуб кишиларни кўкларга кўтариб мақтайди. Аслида эса бу сохта ғоя, мафкура бўлиб ҳақиқатга тўғри келмайди.

Маҳаллийчилик ғояси, мафкурасини И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари” асарида Ўзбекистон тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солаётган хавфлардан бири маҳаллийчилик деб атаган эди. Маҳаллийчилик қош-кўз, қариндош –уруғ, оғайин деб маълум, муҳим масалаларни бир томонлама, ноҳолис ечишга олиб келадиган ҳодисадир.

Хуллас, вайронкор ғоя, мафкуралар жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлади, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилади.

Инсоният тарихида эзгулик ва бунёдкорлик ғоялари билан ёвузлик ва бузғунчилик ғоялари ўртасида ҳамиша кураш бўлганлиги тарихдан маълум. Ёвузлик ғоялари тарихда ҳамиша салбий ва ёвуз кучлар фаолияти ҳамда ҳукмронлигини ифодалайди. Салбий юришларга тўртки бўлган ғоялар, мафкуралар ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Уларнинг сафига фашизм, расизм, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, ва бошқаларни ҳам қўшиш мумкин.

Инсониятнинг жумладан, Ўзбекистоннинг бир неча юз йиллик тарихида ҳам турли босқинчилар оқибатида зулми, зўравонлик, кулфат, уруғларини сочиш ва қон тўкишига сабаб бўлган бузғунчи ғоялар ва мафкураларнинг ҳалокатли таъсири билан боғлиқ воқеалар кўп бўлган. Бу ғоялар ўзларида мустабидлик интилишларини гоҳ яширин, гоҳ ошкора ифодалаган ҳолда амалга ошган.

1.3. И.Каримов миллий мафкураларнинг зарурияти ҳақида.

Мафкуралар умуман миллий мафкуралар ҳам шакллариغا қараб қуйидагиларга бўлинади:

- | | |
|---------------------|------------------------|
| 1. Сиёсий мафкура | 7. Илмий мафкура |
| 2. Ҳуқуқий мафкура | 8. Дахрийлик мафкураси |
| 3. Ахлоқий мафкура | 9. Экологик мафкура |
| 4. Эстетик мафкура | 10. Демографик мафкура |
| 5. Фалсафий мафкура | 11. Иқтисодий мафкура |
| 6. Диний мафкура | |

Сиёсий мафкура давлат, унинг органлари, сиёсий партиялар ўртасидаги сиёсий қарашлар, сиёсий муносабатларда ўз аксини топади.

Ҳуқуқий мафкура конституция, кодекслар, қонунлар, норматив-меъёрий ҳужжатларга нисбатан бўлган қарашлар, муносабатларда ўз ифодасини топади.

Ахлоқий мафкура инсонларнинг юриш-туришлари, ахлоқий нормалари, одоблари ҳақидаги ғоялар, қарашлар мажмуасидан иборат.

Эстетик мафкура воқеликни бадийий, эстетик акс эттириш ҳақида ғоялар, қарашлар, муносабатларда ўз аксини топади.

Фалсафий мафкура эса воқеликни фалсафий англаш тушунтириш ҳақидаги ғоя, қарашлар, муносабатлардан иборат.

Диний мафкура диний таъминотлар, динлар илгари сурган ғоя, қарашларда ўз ўрнини эгаллаган.

Илмий мафкура эса фан далиллари, ғоялари ҳақидаги қарашлар, муносабатлар орқали юзага чиқади.

Дахрийлик мафкураси дахрийлик ҳақидаги таълимотлар, ғоялар, қарашлар муносабатларда ўз ифодасини топган.

Экологик мафкура инсон теварак атрофи, табиат, ўсимлик, ҳайвонот дунёсида тозалик, табиийликни сақлаш, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган омилларга йўл қўймаслик масалаларини ўз ичига олади.

Демографик мафкура аҳолининг зичлиги, туғилиш, ўлим, аҳолини кўчиши ҳақидаги ғоялар, қарашлар, муносабатлардан иборат.

Иқтисодий мафкура мамлакатлар иқтисодиётини янада ривожлантириш билан боғлиқ ғоя, қараш, муносабатларда ифодаланади.

Сиёсий мафкураларни таҳлил қиладиган бўлсак, бундай мафкуралар, таркибида хилма-хил бунёдкорликни ҳам, вайронкорлик, ёвузликни ҳам тарғиб қиладиган мафкуралар учраб туради.

Жумладан, улар ичида инсоният тараққиётига тўсқинлик қилган ғоя ва мафкуралар ҳам мавжуд. Хусусан, экстремизм (лотинча *extremus* –ўта) ижтимоий сиёсий ҳаракатердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чоратадбирлар фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиётдир.

Экстремизм мазмунига кўра –диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра –худудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади.

Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин миллат, худудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий мафкуравий, миллий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳига қарашларни католиклар, православлар, протестантлар орасида ҳам учратиш мумкин.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин асосий мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, кураш тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бу эса мустақилликка ҳам, жамият тараққиётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усуллардан фойдаланадилар.

Агар ўрта асрлар экстремизми, ўз навбатида, жавоб реакцияси тарзида –антогонизмга асосланган турли ғоялар ҳамда атеизмнинг кучайишига ҳам сабаб бўлди. Вақт ўтиши билан алоҳида сиёсий кучлар бундай ғоялар ва

худога мурасасизликка асосланган, атеизмдан ҳам ўзларининг мафкуравий мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Ғоялар ва мустабид мафкуралар тарихида бундан фойдаланишда собиқ коммунистик таълимот алоҳида ўрин тутди. У ташқи жиҳатдан адолат идеалини ўзида мужассам этган олижаноб интилишларни асос қилиб олгандек кўринсада, охир оқибатда мустабид жамиятни шакллантириш мафкурасига айланди.

Большевизм билан бир қаторда XX асрнинг бошида мустабид ғоя ва мафкуранинг бошқа шакли-фашизм (италиянча фашио-оқим) пайдо бўлди. Собиқ социалист Б.Муссолини Италияда фашистлар ҳаракатининг асосчиси бўлди. Германияда миллий сациалистик партия тузган. А.Гитлер эса фашизмнинг “маънавий ота”сига айланди. Фашизм II-жаҳон уруши оловини ёқди. 60 миллионга яқин кишининг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Бизнинг мамлакат ҳам мотам либосига ўралди. Иккинчи жаҳон уруши жабҳаларида курашган Ўзбекистонлик жангчилардан, улар бир миллион тўрт юзи ўттиз уч минг икки юзи ўттиз нафар эди, улардан 263.005 киши жанг майдонларида ҳалок бўлди, 132.670 нафари урушд бедарак йўқолди, 60.452 нафари бир умрга ногирон бўлиб қолди¹.

Сиёсий мафкуралардан яна бири “расизм”дир. Расизм сўзи ирқ атамасидан келиб чиққан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада “инсоният насли”ни турли ирқий гуруҳлар, жумладан, “оқ”, “қора” ва “сарик” ирққа ажратиш учун қўллай бошлади. Ирқчилик таълимоти “оқ танли”ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан “олий ирқ” этиб танлангани, бошқа ирқларнинг эса “оқ”ларга қараганда номукаммал яратилганлиги ва ҳамиша тараққиётнинг қуйи поғоналарида туришини “асослаб” беради. Унинг асосий ғояси ўзининг “илоҳий” табиатига кўра “оқ” ирқларни “қуйи” ирқлар устидан ҳукмрон қилишга даъват этишга қаратилган эди. Ирқчилик миллий мансублиги ва терисининг рангига кўра ажралиб турувчи кишиларга тазйиқ ўтказиш, уларни ҳақоратлаш, уруш ва ўлдириш каби ҳаракат –ҳодисаларда яққол намоён бўлди. Ижтимоий ҳукмронлик шаклларида бирининг

¹Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир –Т 3. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 80-бет.

мафкуриси бўлар экан, у буюк давлатчилик, ашаддий шовинизм, “танланган” халқларнинг миллий афзаллиги ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетди.

Ирқчилик –кўп қиёфали. Масалан, ўзини олий ирқ ҳисоблаган инглиз, испан, француз босқинчилари ўрта асрлар ва айниқса, XVIII –XIX асрларда Америка, Австрия, Африка ва Осиёда ерли халқларни кўплаб қириб ташладилар. Жанубий Африка Республикаси томонидан XX асрда узок йиллар мобайнида ўтказиб келинган ирқий айирмачилик сиёсати –шафқатсиз ирқий таҳқирлаш ва камситишда ўз ифодасини топди. 1865 йили Ақшда тузилган “Ку-Клукс-Клан” террористик ташкилоти ҳам ўзининг ошкора ирқчилик йўналиши”даги фаолияти билан ажралиб туради. Негрларнинг фуқаролик ҳуқуқларига қарши кураш ва уларни мамлакатдан чиқариб юбориш унинг асосий ғояси ҳисобланади.

Яна бир ёвуз мафкура –терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдид солмоқда. Жамиятга доимий кўрқув, фитна-ғаламислик муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги ўлдириш ва портлашлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий терроризм XIX асрдаёқ мавжуд бўлган. Лекин у XX асрда кенг кулоч ёзди. Ғарбий Германиядаги “қизил армия” ва Италиядаги “қизил бригада” гуруҳлари, Испаниядаги басклар ташкилоти, Олтедадаги “Инқилобий-ҳалоскорлик армияси”, Перудаги “Порлоқ ҳаёт” каби бирлашмалар замонавий сиёсий террористларнинг биринчи авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг ўнлаб мамлакатларида, жумладан, бизнинг ёш давлатимизда ҳам пайдо бўлди. Улар мустақил Ўзбекистонга қарши куч йиғмоқда. Чунончи Тошкентда 1999 йил 16 февралда, 2000, 2001 йилларда Сариосиё, Узун, Бўстонлиқ туманларида бўлган жангарининг ҳаракати, 2004 йил 28-30 март, 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри, Ромитон тумани, Қўйлуқ тумани ҳудудларида бўлган террористик ҳаракатлар, 2005 йил 13 майда Андижон шаҳридаги конституциявий тузумга қарши бўлган ҳаракатлар,

бузгунчи сиёсий кучларнинг халқимизни демократик тараққиёт йўлидан кайтаришига бўлган уринишлари тўхтамаганлигидан далолат беради.

Фалсафий мафкуранинг ҳам ўзига хос кўринишлари мавжуд. Булар теизм, монизм, дуализм, материализм, идеализм кўринишларига эга. Теизм оламнинг асосини худо ташкил қилади. Оламни худо яратган деб тушунтиради.

Монизм эса олам битта нарсадан яъни уларнинг баъзилари моддий асосдан, бошқалари маънавий –руҳий асосдан ташкил топган деб ўргатади.

Дуализм (лотинча dualis –икки) –оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари ҳам руҳий –илоҳий, ҳам моддий асосга эгаллигини эътироф этувчи таълимот, мафкурадир.

Дуализм Шарқнинг диний –фалсафий қарашлари доирасида кенг тарқалган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто”да тирикликнинг маъно –мазмунини азалдан икки мавжудот –Ахура Мазда ва Ахриман (Анхра –Маню) ўртасидаги, яхшилик, эзгулик, ёруғлик билан ёмонлик, қаронғулик, зулмат ўртасидаги курашдан иборат деб қайд қилингани фикримизнинг далили бўла олади. Бу хилдаги қарашлар Марказий Осиёда ислом дини қарор топгунча ҳам устувор бўлиб келган.

Марказий Осиё пантеизм оламнинг яратувчиси Аллоҳ, лекин табиат ривожини ўз-ўзидан содир бўлади, деган ғояни қайд қилади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё Уйғониш даврининг мутафаккирлари табиат билимларини ҳам, исломий билимларини ҳам чуқур ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Янги замон фалсафасида Р.Декартоламнинг асосини ҳам жиддий, ҳам руҳий субстанция ташкил қилади, деб талқин қилган. У борлиқни фикрловчи субстанция (руҳ) ва материяга бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Декарт бу икки субстанциянинг инсон учун аҳамияти масаласини ҳал қилади. Бунга кўра, психологик ва физиологик ҳодисалар бир –бирига боғлиқ эмас. Бу даврда онтологик дуализм билан бир қаторда билиш субъектини билиш объектига қарама-қарши қўйувчи гносеологик дуализм ривож топганини ҳам таъкидлаш зарур.

Фалсафий мафкуралардан яна бири плюрализм (лотинча pluralis – кўплик) – бир-биридан мустақил бўлган ва қандайдир ягоналикка келтирмайдиган борлиқ турлари, манфаатлар, ғоялар, қарашлар ва социал институтлар кўплигини билдирувчи фалсафий –дунёқараш, таълимот, мафкурадир.

Миллий истиқлол ғоясининг яратилиши унинг асосий тушунча ва тамойилларининг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги ҳукм сургани ҳолда барча фуқароларнинг бу асосий ғоя атрофида жипслашуви ва уюшмоғига имкон беради.

Фалсафий мафкура, таълимотига; материализм ва идеализм ҳам киради. XX аср 90 йилларига қадар бу соҳаларда қаттиқ баҳслар, рад этишлар ҳукмрон эди. Ҳозирги вақтда бу таълимотларга урғу берилаётир, умумий, инсоний фалсафага катта эътибор қаратилган.

II-боб. И.А.Каримов асарида мафкуравий иммунитет масалалари.

2.1. а) И.А.Каримов ғоявий бўшлиқ тўғрисида.

Ғоявий бўшлиқнинг вужудга келиши қарор топиши. Шаклланишининг бир кунлик ёки бир дамлик ҳодиса эмас. Табиий бундай вазиятнинг вужудга келиши бундай вазиятнинг вужудга келиши маълум мамлакатнинг ўзига хос тараққиёти мафкураси, қисқаси маънавият-руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлади. Ғоявий бўшлиқ ўз-ўзидан, арзимаган сабаб, баҳона натижасида келиб чиқмайди. Шунга кўра Ўзбекистонга содир бўлган ғоявий бўшлиқнинг кечаси, бугуни ва эртаси ҳақидаги масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, миллий уйғониш ҳодисаси юз бераётган, миллий ўзлигини англай бошлаган бир даврда ҳудди ана шу ижобий ҳодисаларни вужудга келган миллий истиқлол моҳити мазмуни ва қадрияти хусусида ўйламасдан иложиси йўқ. Зотан, айти миллий истиқлол туфайли озод сўз, эркин фикр ва ҳур инсон тушунчалари уйғунлашган, асрлар мобайнида турмуш тарзи ва миллат қиёфасини белгилайдиган воқеликлар ҳақида гапириш зарур деб ўйлаймиз. Зотан, бунинг сиз бугунги миллий уйғониш ва миллий тараққиёт моҳиятини англаш ва миллий тараққиёт моҳиятини англаш мумкин эмас.

Мафкурада асрлар мобайнида шаклланган дунё қараш ва тушунчалар, турмуш тарзи ва анъаналар, миллатнинг шаклланиш жараёнлари, босқичлари, хусусан, эволюцияси инобатга олмоғи зарур. Айти ана шу ривожланиш босқичлари инсон тафаккури динамикасини ўзида мужассам этади. Бу икки унсур жамият янгиланиши жараёнида ўзаро боғлиқ, уйғун ҳолда вужудга келади. Акс ҳолда мафкура заминдан узилган, ҳаёт ҳақиқатини ўзида ифода этолмаган “муаллақ” ғоя сифатида юз беради. Биз буни яқин ўтмишимизда кўрдик.

Коммунистик мафкура айти миллий манфаатларини ҳисобга олмаганлиги, миллий дунёқараш, туб аҳоли кайфияти ва ақидаларидан узоқлиги, турмуш тарзи ва анъаналарни ўзида ифода этолмаганлиги учун ҳам инқирозга учрайди.

Шўро даврида “совет турмуш тарзи” шаклдаги ҳавойи, миллий манфаатлардан узоқлашган тенденциянинг вужудга келганлиги ҳукмрон мафкурани ғайриодатий, ясама ва зўраки ғоялар йиғиндисига айлантириб юборди. Айни совет турмуш тарзи шаклидаги тоталитар ғоянинг илдиз ота бошлаганлиги айниқса миллий республикаларнинг қадимий анъаналарини сиқиб чиқарди. Зўравонлик билан одамлар ҳаётини ўзгартириб юборди. Натижада жамиятда мафкуравий парокандалик, рухий, маънавий кемтиклик, маърифий таназзул вужудга келди.

Надоматлар бўлғайким, иймонсизлик ва эътиқодсизлик, ҳасад ва ифвогарчилик, чақимчилик ва фирибгарлик, қасамхўрлик ва такаббурлик ёлғончилик ва алдамчилик юз берган сари ривожланаверди. Мунофиқлик ва олчоқлик падаркушлик ва ёвузлик ўзининг эски башарасига ниқоб тутиб янгича пардоз ва андозага бўяниб олди. Буюк адиб Ч.Айтматовнинг “манқуртлари”, Э.Эвтушенконинг “Сербердлари”, А.Ориповнинг “Худойқулилари” сони кўпайиб кетди. Замондошларимизнинг катта бир авлоди замон фожиаси-маънавий қашшоқликка гирифтор бўлдилар.

Маънавий қашшоқликнинг замон фожиаси даражасига кўтарилишида жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатларида инсоннинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатини бир қолипга, бир андозага солиш ҳолатларининг тарқалиши сабаб бўлди ва тенденция инсон шахсидаги турли зиддиятларни кучайтириб юборади. XX асрнинг инсоншунос тадқиқотчилари инсон борлигидаги зиддиятли томонларни ўз вақтида илғаб қолдилар.

Ҳозирги замон инсоншунослиги маълумотларига кўра, инсоннинг ижтимоий, хусусан, маънавий оламидаги зиддиятли томонларни бирданига пайқаб бўлмайди. Чурки турли миллат ва элатга мансуб, турли мамлакатларда яшовчи кишилар бир-бирларига ўхшашга интиладилар ва барча учун ҳарактерли бўлган умуминсоний фазилатлар томон ошиқадилар. Худди ўша умумийлик томон интилиш-деб ёзади проф.А.Чориев,- “ўртамиёналик”, “шахси ноаниқлик”нинг ривожланиши учун қулай имкониятлар яратади. Бу ҳол эса инсон бисотидаги “ижодийлик”, “ноёблик”,

“ўзига хослик”, “оригиналлик” каби инсоний хусусиятларни заифлашишига сабаб бўлади ва маънавий қашшоқликнинг урчиб кетишига шарт-шароит яратади¹.

Мафкура янги “совет анъаналари” ни вужудга келтиришга интилди. Миллий рух, миллий психология халқ маънавий эҳтиёжи каби миллий-тарихий анъаналарни йўқ қилишга интилди. Халқ ўзининг тарихий анъанлари билан совет анъаналари ўртасидаги зиддият куршовида қолди. Бундай руҳий ва маънавий зиддият ўтмиш ва истиқлол ўртасидаги муносабатларни чигаллаштириб юборди.

Халқнинг миллий ақидаларидан. Қадимий тушунчаларидан ажратиш, зудлик билан онгига ва ҳаётига соҳта турмуш тарзини киритиш авторитар сиёсат маҳсули сифатида ўзининг салбий натижаларини кўрсатди. Жараёнларнинг барқарор тараққиётига тўсқинлик қилди. Мамлакатни катаклизмага олиб келди. Жамиятда анъаналарнинг, дин ва давлатнинг ўзаро муносабатларида давлат Коммунистик мафкурасининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Совет мафкураси бу ҳеч қандай тўқнашувсиз, қарама-қаршиликсиз, ягона ва ҳукмкор сиёсий оқим бўлган. Табиийки, бундай шароитда партиявий қатлам, айниқса, унинг раҳбари фаолият дастурини сўзсиз итоат асосида куради. Натижада бутун фуқаролар, яхлит жамият хоҳиш-истаги, ақидаси, мақсад интилишлари, ҳаётга муносабатлари ва шахсий эҳтиёжлардан қаътий назар бир ғоя асосида яшашга маҳкум этилади. Ҳар қандай эркинлик ва либерализм имкониятларига зид равишда умумий бирлик ва режалаштирилган асосида фаолият кўрсатишга даъват этилади. Бундай марказлаштирилган мафкуравий тизим, ғоявий механизм, инсоннинг фикрлаш қобилиятини сўндиради. Коммунистик мафкура механизм инсоннинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий ҳуқуқларини чеклаб қўйди. Коммунистик партия, Комсомол, Касаба

¹Чориев А. Инсон фалсафаси. 11 Мустақил шахс.-Т.: “Чинор ENK”, 2002, 58-бет.

уюшмаси, Пионер ташкилоти аъзоси умуман жамият аъзоси битта фикр, битта мақсад билан яшашга маҳкум этилади.

Аста секинлик билан фикрлаш феномени кадриятларни стандартларга ва пировардида миллион-миллион одамларнинг воқеаликка бир кўз билан қарашига ҳаётни бир хил талқин қилишига, бир хил тушунишига олиб келди.

Коммунистик мафкура ўзининг қотиб қолган ва чекланганлик иллатлари билан аҳолини жамиятдан, мамлакатни бутун оламдан ажратиб қўйди. Маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тизимининг бир қолипга тушиб қолганлиги илмий догматизмни, ғоявий сафсатабозликни вужудга келтирди. Тафаккур тараққиётига тўсиқ бўлди.

Ислохотларнинг муваффақиятли бўлиши ва узлуксиз самараси бевосита, мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов айтганларидек, айти миллий ғоя ва миллий тафаккурнинг нечоғлик шаклланганлиги билан боғлиқ. 130 йиллик мустамлакачилик даврида фикрламай яшашга одатланган, дунёқарашлари чекланган инсон ишлаб чиқариш воситасига айлантирилган ва давлат механизмининг энг арзон, беқадр муруввати бўлиб қолган бир пайтда унинг қалбига, ҳиссиётига таъсир ўтказиш, озурда ва нимжон туйғуларини жонлантириш жуда катта маънавий-руҳий ҳодиса. Яратувчилик ва бунёдкорликнинг, миллий тараққиётнинг асосан фақат миллий уйғониш эканлигини Президентимиз такрор ва такрор уқтиради.

Миллатни уйғотиш эса миллий онг ва миллий мафкура орқалигина амалга оширилади. Акс ҳолда миллат яна яқин ўтмишимиздаги сингари чуқур депрессия ғоя, ғайриинсоний мафкура халқни ўзига оғдириб олишига, бутун жамиятни қамраб олишига имкон яратилади.

Ҳаёт янгиланаётган, ҳар қандай “изм”лардан холи бўлган соф инсонпарвар жамият қурилаётган бир пайтда миллий манфаатларга хизмат қиладиган ва миллий тараққиётга қаноат биғишлайдиган миллий ғоянинг ўзига хос ҳарактерли жиҳатлари бор. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Инсоннинг ҳаётида тутган ўрни ва ролини белгилаши;

2. Асрлар мобайнида шаклланган дунёқарашлар, миллий анъаналар асосида улуг аجدодларимизнинг буюк мероси, ғоялари асосида янги, замонавий, илғор ғояни вужудга келтириши;

3. Инсон фаолияти ва жамият ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириши;

4. Жамият ҳаётини ташкил этишга алоҳида таъсир ўтказишга ва уни сафарбарликка даъват этиши;

5. Инсоният тараққиёти тарихий тажрибалари билан миллий уйғониш манфаатларини уйғунлаштирадиган омилга айланмоғи керак.

Мафкура ҳеч қачон тарқоқ ва узук-юлуқ бўлмаслиги лозим. У жамият тараққиётини тўлалигигача қамраб олган узлуксиз, тадрижий, ўзини-ўзи тўлдириб борадиган, доимий ҳаракатдаги тизимга айланиши даркор. Жамият янгиланаётган онгимиз ва тафаккуримиз ўзгараётган бир пайтда миллий тараққиёт омили бўлиб хизмат қилиш учун эски мафкуравий андозалардан вос кечишимиз, янги ижтимоий жараёнларнинг бутун моҳиятини ифодалаб берадиган янги мафкурани вужудга келтиришимиз керак. Ҳатто эски мафкурани қайта “таъмирлаб”, ямаб, ясқаб, бичиб-чайиб “янгилаш” ҳам самара бермайди. У бутунлай янги даврнинг уйғонаётган руҳият, уйғонаётган инсон хисияти ва жонланаётган янгича тафаккури эҳтиёжининг масули сифатида дунёга келмоғи лозим. Миллий истиқлол ғояси ана шундай олий қадриятга айланаётган ҳодисадур. У янгича тарихий шароитда, янги давр руҳини ўзида ифода этган. Ғоявий куч сифатида дунёга келмоқда. Фақат ана шу ғоягина олам ҳақидаги тушунчаларимиз одам ва олам ўртасидаги муносабатлар, шахс маънавий камолоти ва жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб шаклланмоқда.

Ғоявий бўшлиқ нима? У қандай вужудга келади?

Ғоявий бўшлиқ деганда жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий тарбиявий мафкуравий ишларининг заифлашиб қолишига тушунилади. Ғоявий бўшлиқ шароитида фуқаролар онги ва фаолиятдан турли миш-мишлар, сафсаталар, популизм устуворлик қила

бошлайди. Қизиқишлар хатти-ҳаракатини бўшанглик, лоқайдлик, бепарқлик эгаллаб олади. Руҳиятда ҳеч нарсага аралашмаслик кайфияти устун келади. Қаерда шундай ҳолат юз берса ўша ерда мафкуравий бўшлиқ ҳукмрон бўлади.

Ўзбекистон Рсепубликаси Президенти И.А.Каримов огоҳлантирганидек, “... шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона. Орзу-интилишларимизга мутлоқо ёш ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз”¹.

Асосий гап шундаки, агар ён атрофимиздаги воқеелikka теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиат заҳираларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган бизга ҳукмини ўтказишини истайдиган турли кучлар мавжудлигини инкор этолмаймиз. Улар ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди.

Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳоларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли-миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгалаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурадур.

Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножуя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда. Нега деганда, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ қорани таниб улгурмаган ёшлар ҳар турли таъсирларга берилувчан бўлади.

Мисол учун, баъзи ёшларни йўлдан чалғитаётган диний экстремизм хавфини олайлик.

Бу хатарли оқим ўзига хос тарихга эга. Хусусан, 80-йилларнинг охирида мамлакатимизга ўзини “Дўст,” “Диндош”, “Миллатдош” қилиб кўрсатиб, гуё ислом динининг софлиги учун курашга “дават” этувчи айрим кимсалар кириб келди. Улар муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган оддий

¹И.А.Каримов. Миллий истиклол мафкураси-ҳалқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: “Ўзбекистон” 2000. 7 бет.

одамларни, зўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бизга бегона бўлган диний ақидаларни ёйишга уринди¹.

Албатта бу ҳаракатларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Лекин ўша вақтда соддалик қилиб уларга хайрихоҳ бўлганлар ҳам йўқ эмас эди. Миллатимиз, айниқса, фарзандларимиз кўнгли очик, содда ишонувчан, андишали эканини ҳаммага маълум. Улар қалбида каттага ҳурмат муқаддас динимизга интилиш туйғуси кучли. Чунки мўмин-мусулмон халқимизнинг тарбиясига, дунёқарашига Аллоҳ назари тушган юртимизда ўтган азиз-авлиёлар, уларнинг табаррук қадамжолари ҳам ўз таъсирини ўтказиб келади.

И.А.Каримов бу жараёнга тўхталиб, “Одамларимиз дилидаги мана шундай эзгу туйғулардан, иймон-эътиқод сари табиий интилишларидан айрим ғаразли кучлар ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринаётгани бежиз эмас”².

Табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасидаги ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида, глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда,³ деган эди И.А.Каримов.

Б) Мафкуравий бўшлиқ жараёнидаги ҳодисалар.

1991 йил Собик иттифоқ инқирозга учрайди. Собик иттифоқ билан бир қаторда унинг мафкураси ҳам инқирозга юз тутди.

1991 йилда эътиборан собик иттифоқ ўрнида мустақил давлатлар вужудга келди. Лекин янги тузумга ўтилиши билан эски жамиятнинг мафкураси бекор қилиниши билан, янги жамиятнинг мафкураси бирданига ишлаб чиқилмади. Маълум йиллар давомида мафкуравий бўшлиқ вужудга

¹И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: “Ўзбекистон” 2000. 8 бет.

²И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: “Ўзбекистон” 2000. 9 бет.

³И.А.Каримов. жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.-Т.: “Ўзбекистон”. 1998, 7-бет.

келди. Бу пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг раҳбарлигида ва унинг бевосита саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда миллий истиқлол ғояси концепцияси ишлаб чиқилди. Миллий истиқлол ғояси И.А.Каримовнинг фармониға биноан 2001 йил 18 январда таълим тизимиға жорий қилинди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, миллий истиқлол ғоясининг шаклланишиға ўша даврда мафкуравий жараёнларда мавжуд бўлган мафкуравий, ғоявий бўшлиқ катта таъсир қилди.

Ғоявий бўшлиқ одатда муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолатидан иборатдир.

Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб бердиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда ғоявий бўшлиқ вужудга келади.

Ғоявий бўшлиқнинг вужудга келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жудда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиш эса қийин кечади.

Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи-жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолиға ташлаб қўйганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ равшан ифода этадиган ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирилмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирға тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди.

Ғоявий бўшлиқ, инсонсизлик, манқуртлик, жамият учун жиддий хавф солади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг

табиатига бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўзтазиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади. Миллий истиқолол мафкураси ғоявий бўшлиққа йўл қўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаронинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали ғоялар билан бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

Ғоявий бўшлиқнинг ўзига хос заиф томонларидан бири-ғоявий заифликдир. Ғоявий заифлик-жамият, давлат ёки халқнинг мафкуравий масалаларда уюшмагани, маънавиятга этарли эътибор берамагани, тарбия соҳасидаги ўзи бўларчилиққа йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолатидан иборат.

Ғоявий заифлик халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнгилдаги орзу-интилишларини ифода этадиган. Уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкуранинг йўқлиги, ишлаб чиқармаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келади. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказди, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, Чор истилоси даврларда айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалиги тушиб қолишига сабаб бўлди. Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси ҳаётбахш ва адолатли ғояларни ўз ичига олади, тушунтириш ва ишонтириш, таълим-тарбия ва маърифат бўлиш билан, фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда юксак маънавият ва мафкуравий қатъиятни ғоявий заифликка қарши қўйди.

Ғоявий бўшлиқ вазифалари ўзига хос кўринишлардан бири-ғоявий мутассиблик ҳисобланади. Ғоявий мутассиблик-тўғри деб ҳисобланган муаян фикр, ғоя, ақида ва шу йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўрона инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиётнинг йиғиндисидир.

Ғоявий мутаассиблик турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлсада, улардаги умумийлик ўзига ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблашга, ўз қарашларини мутлоқлаштиришга, унга қўшилмайдиганларга қарши фаолият олиб боришга, уларнинг йўқ қилишига қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизиция баъзи Ғарб мамлакатлардаги неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари ғоявий мутаассибликка мисол бўла олади. Собиқ иттифокдаги ҳукмрон мафкура ҳам ана шундай жиҳатларга эга эди. Унинг фатвоси билан ўзгача фикрлаган кишилар, масалан, жаҳидлар, маданият ва адабиёт номоёндалари қатағон қилинган, ҳатто, фаннинг туб бир соҳалари ривожлана олмаган эди. Генетика, кибернетика, социология, политология ва шу каби соҳаларга, бу фанлар билан боғлиқ мавзуларни тадқиқ этишга изн берилмагани фикримизга далил бўла олади.

Ғоявий мутассиблик мустақилликнинг илк йилларида ҳали дунёқараши, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ёшларнинг онгига, қалбига салбий таъсир қилди.

Ғоявий мутаассибликка қарши курашишнинг энг асосий йўли маърифат, ҳурфикрлик бўлиб, унинг асосида одамларнинг қалбларига эзгулик, ҳамжихатлик, бағрикенглик, тотувлик тушунчаларини сингдириш ётади.

“Демак,-деган эди И.А.Каримов,-бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга кирита олиши мумкин.

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва

равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутди.^{1»}

Ғоявий бўшлиқнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири-ғоявий парокандалик ҳисобланади.

Ғоявий парокандалик деганда жамият, халқ, ижтимоий қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этадиган мафкура ярашмаганлиги сабабли ижтимоий онгда ва маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, беқарорликка тушунилади.

Ғоявий парокандалик одатда муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатган, бир тизимдан бошқасига ўтилаётган, сиёсий қутбланиш ва зиддиятлар кучайган, жамият турли табақаларга бўлиниб, ҳар бир ижтимоий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жамиятни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб келади. Масалан, 1992 йилдан кейин қўшни биродар халқ ватани-Тожикистонда, қўшни Афғонистонда кузатилди.

Мамлакатда ички зиддиятлар кузатган қатлам, тоифа, миллий этник бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради. Тарихдан маълумки, ғоявий парокандалик туфайли давлатлар ва халқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназзул ва тушқунликка йўлиқадилар. Жамиятдаги барча қатлам ва гуруҳларни умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафкурасигина ғоявий парокандаликка барҳам беради.

Мафкуравий бўшлиқнинг ўзига хос томонларидан бири-ғоявий саводсизликдир. Ғоявий саводсизлик деганда мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўникмага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусият тушунилади.

¹И.А.Каримов. жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни-миллат қилишига хизмат этсин.-Т.: Ўзбекистон. 1998, 10-бет.

Ғоявий саводсизликнинг асосини мустақил фикрга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётий позициясига эга бўлмайди. Натижада у турли зарарли ғоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади. Сўнгги йилларда айрим ғоявий саводсиз кишиларнинг турли хил мафкуравий тазйиқлар туфайли ёт, бегона ғоялар таъсирига тушиб қолганлиги кузатилди. Инсон узликсиз равишда рухий, маърифий озуқа олиб турмаса, унинг маънавий кашшоқланиши табиий. Демак, жамиятнинг тараққий этиши учун халқнинг ғоявий жихатдан саводхонлигини ошириш, бу борада муттасил тълим-тарбия ишларини олиб бориш зарур.

Ғоявий бўшлиқ ҳодисаларидан яна бири- ғоявий қарамликдир. Ғоявий қарамлик деганда миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларда бўшлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсунилиш ҳарактерловчи ҳолатга тушунилади.

Ғоявий қарамлик ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Унинг юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсирлар ҳам сабаб бўлади. Тарихда ғоявий қарамлик асоратга тушган, мустамлакага айлантирилган халқларнинг ўз маданияти, тили ва динидан узоклашишга уларни унутишга олиб келади. Вақт ўтиши билан шу халқнинг илғор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун курашган, қарамликнинг ҳар қандае кўринишига қарши оммани кўзғатган. Ҳозирги глобаллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг турли усуллари қўлланилмоқда, хилма-хил “овоз”лар оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда.

Бундай таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олади.

Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан ҳафлироқ бўлиб бораётган бу вазиятда миллий истиқлол ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ниҳоятда муҳим. Истиқлол ғояси фуқароларни тафаккур

куллигидан қутқаради. Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фаровон турмушни таъминлашга ёрдам беради, мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга хизмат қилади.

В) Мафкуравий бўшлиқнинг салбий оқибатлари.

Жаҳон, Марказий Осиё хусусан, Ўзбекистон Республикасида мафкуравий жараёнларни кузатиш шундан далолат берадики, қаерда, қайси минтақада, ҳудудда, қайси мамлакатда ғоявий бўшлиқ содир бўладиган бўлса, бу юртда икки хилдаги мафкуралар, яъни бунёдкор ва вайронкор мафкуралар таъсири бошланади. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудига бунёдкор мафкураларга нисбатдан ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб ёт, бегона, зарарли мафкуралар таъсир қилишига ҳаракат қилди.

Маълумки, XX аср охири XX1 аср бошларига келиб Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий манзараси ўзгариб кетди. “Ҳозирги даврда марказий Осиё сиёсий ҳаритасида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли бу минтақага нисбатдан геополитик ёндашувларнинг ифодаси бўлган мафкуравий кучлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқеига эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортишга интилмоқда. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шакллари қўлламоқда”¹.

“Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Мазкур асарда И.А.Каримов томонидан кўрсатиб берилган хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари батафсил баён қилинган. Ана шу таҳдидлар орасида минтақавий жиҳатнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутди.

“Геосиёсат” тушунчаси ўзида (“гео”-“ер” сиёсат эса- “давлат” ва ижтимоий иш”) маъноларини англатади. “Геосиёсат” атамасида геосиёсий муддаолар уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув усуллари, воситалар у ёки бу

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: “Ўзбекистон” 2000. 26-бет.

давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

Геосиёсатда геостратегик манфаатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Геостратегик манфаатлар-муайян мамлакат ёки минтақанинг жуғрофик жойлашуви билан белгиланадиган эҳтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади, деб қайд этилса унинг геостратегик мақсадлар номли мақоласида “Геостратегик мақсадлар”-ҳудудий жуғрофий омилларни ҳисобга олган ҳолда ошириладиган истиқболли интилишлар, муносабатлар тизими,¹ деб кўрсатилган. Табиий бу борада мафкуравий марказларнинг ўз ўрни бор. Мафкуравий марказлар деганда муайян ғояни илгари сурувчи тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул, воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалар тушунилади.

Ўзининг характери, мақсадига қараб маълум партия, гуруҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат мафкуравий марказ ядросини ташкил этиш мумкин. Мафкуравий марказ ўз ҳаракат дастури, мафкурани тарғиб қилиш воситалари, усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар муҳим ўрин тутди.

Мафкуравий марказлар ўз фаолиятларини яширин ва ошкора йўл билан амалга оширадилар жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, айрим мафкуравий манзаралар, масалан, фашизм ўз мақсадларини ошкора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдирилган. Мафкурани яширин йўл билан тарғиб қилишда вайрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан оммани онгини заҳарлаб жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида эътибор берилган. Бугунги кунда уларга қарши соғлом мафкурани тарғиб қилишда таълим-тарбия даргоҳлари, илмий, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти муҳим ўрни тутди. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг

¹Миллий истиқлол ғоя тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.-Т.: “Академия” 2007, 115-117 бетлар.

аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мафкуравий тарбиянинг самарали йўллари тадқиқ этиш, турли мафкуравий таҳдидлар хавфнинг олдини олишнинг илмий назарий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шунингдек, жамоатчилик фикри, аҳоли турли қатламларнинг руҳияти, интилишлари, кизиқишлари, қарашларини турли социологик тадқиқотлар, анкета-сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли зарарли ғояларни тарқатадиган мафкуравий марказларга қарши курашдаги муҳим воситалардан биридир.

Мафкуравий марказларнинг хавфли ҳаракатларидан бири ғоявий тажовуздир.

Ғоявий тажовуз деганда муайян бир жамият ёки миллат, ижтимоий қатлам ё гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, бегона ва ёт мақсад-мақсадларга хизмат қиладиган ғоявий босқичликка тушунилади.

Тарихда ғоявий тажовуз ҳарбий истило, сиёсий тазйиқ ва иқтисодий исканжа-чоралари билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Ундай босқичларни мафкуравий асоратда сақлаш мақсадида фойдаланилган.

Ғоявий тажовузнинг муҳим хусусиятлари-ҳақиқатни сохталаштириш. Тарихини одамлар хотирасидан ўчириш, умуминсоний қадриятларни қадрсизлашдан иборат.

Ғоявий тажовуз алдаш ва макр билан ёшларни ўз ота-оналарига, жамиятга қарши қўйиш, ҳиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатиш шаклида ҳам намоён бўлади.

Ҳозирги замонда юз берадиган глобалашув жараёнлари ғоявий тажовузнинг шакллари ва йўналишларига ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ҳарбий қурол кучи билан ўз ғаразли мақсадларига етишиш имкониятидан маҳрум бўлган экстремист ва террорчи гуруҳлар тобора ғоявий тажовуз йўлига ўтмоқда унинг янги, янада хавфли усул ва воситаларидан фойдаланмоқда. Бундай тажовузга фақат умуминсоний ғоялар

ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура билан қарши тура олиш мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Ғоявий бўшлиқ шароитида миллий истиқлол мафкурасининг сингдирилишига тўсқинлик қилувчи энг катта сабаб-бу эски ақидалардан холос бўлишнинг оғирлиги ҳисобланади. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларда эскилик билан янгиликнинг тўқнашуви янгиликка, янгича карашларга анча-мунча оғирлик қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “белини” синдириб, майиб-мажруҳ қилмоқда.

Илмий демогогия, илмий ақидапарастлик ҳужум қилмоқда. Агар бу муҳим маънавий-маърифий жараён ўз холига ташлаб қўйилса, яна эски ақидалар ўз ҳукмини ўтказа боради. Бу аста-секинлик билан миллий таракқиётга хавф солади, унга тўғаноқ бўлади. Ички ақлий ва ғоявий тажовузга айланади. Ҳаёт эса ҳар қандай ташқи тажовуздан, ҳатто террордан ҳам ички паракондалик, консервативлик хавфли эканини кўрсатмоқда.

Бугун янгиланишлар тўлқинига дош беролмаган ҳолатда “ҳасга ҳам, ҳашакка ҳам ёпишаётган” илмий демагогия талвасага тушмоқда. Энди у илмий экстремизмга, илмий террорга айланмаслиги лозим. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Минг афсуски, ёшни яшаб, ошини ошаган ашаддий илмий ақидапарастликнинг хизматини қилаётган “лаббайгўй” ёшлар ҳам бор. Бу жамият учун ҳам, илм учун ҳам жуда хавфли. Жаҳонда ахборот глобаллашуви жараёни тобора кучайиб бораётган ҳозирги пайтда мафкуравий тазйик, мафкуравий зўравонлик авж олмоқда. Ғоявий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар бутун-бутун мамлакатларни, миллатларни қон тўкмасдан, одам жонига озор бермасдан, ўқ узмасдан забт этишлари мумкин бўлмоқда.

Инсон тафаккури шу даражада таракқий топдики, бир неча минг йиллик тарих, кишилиқ таракқиётига омиллари кучли мафкуравий таъсир оқибатида ўз йўналишини ўзгартириб юбормоқда. Инсоният ҳаётида ва унинг келажагига жиддий равишда таҳдид соладиган ғоявий ҳужум вужудга келмоқда. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб И.А.Каримов: “Бугунги кунда

инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроқлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф-инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узликсиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади”¹.

Дарҳақиқат, бутун инсоният тафаккури, ақл-идроки нуктаи-назаридан караганда энг қудратли қирғин қуроллари билан халқларга тазйиқ ўтказиш ибтидоий ҳодиса бўлиб қолди. Чунки бундай қуроллардан фойдаланиш катта ақлни тақозо этмайди. Ғайриинсоний ва ғайрияхлоқий кайфиятдаги ҳар қандай одам бундай қуроллардан осонлик билан фойдаланиши мумкин. И.А.Каримов “XXI аср маърифат асри бўлиши керак” деган ғоясида айни инсон ақл-заковати, бекиёс тафаккури асосида дунё муаммоларини ҳал қилиш мақсади ётади. Зотан, маърифат, мафкура ҳар қандай қурол-яроғдан устун бўлган энг ҳозиржавоб, энг қудратли ҳодисага айланди. Тинчлик маданияти тушунчаси айни ана шу ғоявий жараён билан боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилигининг дастлабки йилларида ғоявий бўшлиқ сабабли ақидапарастликнинг яна бир кўриниши тарқала бошлади.

Шундай бир вазиятда ақидапарастлар жуда “чиройли даъват” лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига маҳлиё қилишга эришди ҳам. Уларнинг ота-оналари, умуман жамоатчилигимизнинг бу ҳаракатнинг ортида қандай муҳим мақсад ётганини, таассуфки, дастлаб англаб етмайди. Наманган ва Тошкентда содир этилган қонли воқеалардан кейингина бу кучларнинг нияти ҳокимият учун кураш бўлиб, улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатларнинг бир тўдаси экани ошкор бўлди. Аммо бу жамоатчилик бу ҳаракатнинг тагига етгунча қора кучлар ҳам дунёқараши шаклланмаган айрим ёшларни жаҳолат ва жиноят ботқоғига тортиб улгурди.

¹И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: Ўзбекистон. 2000. 6-бет.

Кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган жангарилик фильмларини ёшлар кўпроқ томоша қилмоқда. Афсуски онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрагани.

Мустақиллик йилларида 199 йил 16 февралда 2004 йил 28-29-30 март, 1 апрелда Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрида, 2005 йил, 13-14 майда, Андижонда бўлган портлашлар, 2000-2001 йил Сариосиё ва Узун туманидаги тоғлик қишлоқларда, Бўстонлик туманида жангарилар билан тўқнашувлар ҳам айрим террорчи, экстремистларни ҳаракати билан боғлиқдир.

Буларнинг ҳаммаси ғоявий бўшлиқ таъсирида айрим фуқаролар онгига ташқи кучларнинг ғоявий таъсирининг оқибатидир. Бу эса миллий истиқлол ғояси тарғиботини янада яхшилашни талаб қилади.

2.2. И.А.Каримов мафкуравий иммунитет тўғрисида.

Мустақилликнинг мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборатдир. Бу борада аҳолига ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур, деб ўргатади. И.А.Каримов албатта мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр деб тикиштириши эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши, хушёр огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил феврал, 2004 йилнинг март-апрелда Бухоро ва Тошкент, 2005 йилнинг майида Андижонда содир этилган террористик воқеалардан тўғри хулоса қилиш муҳим. Ҳар бир давлат жамиятнинг қудрати, унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади. Яъни, жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қўллаши мумкин бўлган ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса (бунга тарихда мисоллар кўп) душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни енгиш, мустамлака қилиш осон кечади.

Бу ҳақида Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов:
“Туркистоннинг болалари мактовимга қулоқ тутинг,
Гина қилсам чиданг, аммо гапларимни ҳеч унутманг,
Ўт кетсин у қора кунга-бировларга қул бўлдингиз,
Шарку Ғарибнинг ўртасида оёқ ости йўл бўлдингиз”.

деган эди. Шундай экан, барқарорлик, хавфсизлик, жамиятнинг онглилигига, англаган тўғри тушунча ва билимларга фаол амал қилишга фикрий ғоявий бирлигига, булар эса хавфсизлик маърифатига таянади.

Мамалакатимизнинг тараққиёти ҳеч бир Ўзбекистонликни бефарқ қолдирмаслик керак. Чунки улар ўз Ватанининг қандай машаққатли, азобли асрларини ўзказиб, мустақилликка эришганлигини яхши биладилар. Шундай экан, ҳар бир Ўзбекистонлик И.А.Каримов айтганларидек миллатидан, динидан, туғилган жойидан, касби, ёшидан, қатъий назар Ватан посбони

бўлиши лозим. Демак, мамлакатимизнинг ҳавфсизлиги учун энг биринчи кафолат-Ўзбекистонликларнинг миллий ғояси атрофдаги жимжитликдир. Шу тариқа миллий ғоя бизни ўтмишимиз, ҳозирги ҳаётимиз ва келажагимиз билан боғлаб туради. Шу сабабли Ўзбекистон халқнинг миллий ғоясига асосланган иммунитет-Ватан ҳавфсизлиги даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бирига айланади.

Миллий мафкуранинг халқ фаровонлиги юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик комилликка таяниш, мана шу ғояларга қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олади.

Ташқи таҳдидлар-Ўзбекистоннинг давлат чегарасидан ташқаридан кириб келувчи, ички таҳдидлар эса Ўзбекистон давлати, мамлакатнинг ичидан чиқаётган таҳдидлардир. Биз кўп асрлар ана шу ички таҳдидлар туфайли мустамлакаликда яшаб келдик.

Ички таҳдидлар-ўз Ватанига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлардир. Носоғлом маҳаллийчилик, ёнидагиларни менсимаслик, ватандошларнинг ҳаққига хиёнат қилиш “маънавий эмиграция” (бахтини ўз Ватанидан эмас, ўзга жойда қидириш), одамларни бой камбағалга бўлиш муомала қилиш, порахўрлик, коррупция, кўполлик, ашаддий миллатчилик, меркантилизм, ортиқча мол-дунёга ҳирс кўйиш, бефарқлик, лоқаедлик, ўзлигини англамаслик ва бошқа иллатлар билвосита ички таҳдидлар вазифасини бажаради.

Улар қанча кенг тарқалса, Ўзбекистонликларнинг ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пароканда қилади, ҳамжиҳатлик бўлмайди. Ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг давлат ҳавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

“Иммунитет”-сўзининг маъноси “Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қуйидагича берилган: (лотинча-бирор нарсада ҳалос, озод бўлиш, қутилиш,- организмнинг доимий ички барқарорлигига сақлаш, унинг турли хусусиятларига ва таъсиридан ҳимояланиши, қаршилиқ кўрсатиши, резистентлиги. Ёш олимларга бактерия ва уларнинг таксинлари, вируслар,

замбуруғлар, содда жониворлар, гельминтлар, кўчириб ўтказилган аъзо ва тўқималар, организмнинг ўзгарган ўз хужайралари (мас., ўсмасимон-хужайралар) ва бошқалар киради. Бу олимлар организм учун ирсий бегона бўлган кимёвий агентлар-антигентларни тутиб қолади.

“Фалсафа Қомусий луғатда”да –мафкуравий иммунитет-шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий назарий қарашлар ва кадриятлар тизими”¹, дейилади.

Организмни информацион агентлар ва бошқа моддалардан ҳимоя қилиш омиллари табиати бўйича учга бўлинади:

Биринчиси: Филогенистик иммунитет-анатомик ва физиологик белгилар билан таъминланиб, наслдан-наслга ўтадиган алоҳида ҳимоя омиллари ёки организмнинг алоҳида резистентлиги, бу омиллар патоген агентлар билан биринчи бўлиб алоқа қилади, шунинг учун уларнинг фаолияти ҳисобига одам организмнинг кўпгина юқумли касаллик кузатувчиларга чидамлилиги таъминланади.

Иккинчидан: Туғма иммунитет (турга хос табиий)- бир биологик турнинг маълум бир патоген агентга нисбатдан чидамлиги бўлиб, наслдан наслга ўтади.

Учинчиси: ортирилган иммунитет-ҳаёт давомида организм иммун системасининг ётан-тигентлар билан таъсирловчи ҳисобига юзага келадиган ҳимоя бўлиб, наслдан-наслга ўтмайди.

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилишни олиш эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишни, бу билимлардан замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқеилигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қилмаслик ҳолатидир.

¹Худойбердиев Х. Мафкуравий иммунитет// Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004, 247-бет

Миллий ғояга шахснинг ишончи, мустаҳкам иродаси, унинг мафкуравий иммунитетни манбаи ҳисобланади. Бундай мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди, миллий ғоя мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ўзига хос имконият ва хусусиятларга эга.

2.3. И.А.Каримов мафкуравий иммунитетни шакллантириш тўғрисида.

Ижтимоий ислохотлар, миллий тикланиш, миллий ғоя ва мафкура концепциясини яратишда И.А.Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари улкан аҳамият касб этади. “Сиз мафкура деганда нимани тушунаси? Жамият фаолиятида хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутди?” деган биринчи саволга жавобидаёқ Президент қатор концептуал фикр ва ғояларни баён қилади:

- Мафкура бўлмаса, одам, жамият ўз йўлини йўқотади;
- Мафкура соҳасида вакуум-бўшлиқ бўлишга асло йўл қўйиб бўлмайди;
- Қаерда мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилади;

- Дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлсада, турли манфаатларни ифодаловчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ.

Уларнинг мақсади-инсон, авваломбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат, минтақа халқини ўз дунёқарашига бўйсундириш;

- Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлироқ;

- Ахборот асри, ҳозирги глобаллашув шароитида мафкуравий кучлар таъсиридан ҳоли бўлиш деярли имконсиз;

- Бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқ билан, маъмурий чора билан енгиб бўлмайди.¹

“Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақт жаҳолат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”². Муаллиф миллий ғоя, миллий мафкура ўзида нималарни мужассам этиши ва қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдиради. Бу фикрлар, аслини олганда, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси концепциясида акс

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7ж.-Т.: 1999, 86-87 бетлар.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7ж.-Т.: 1999, 88 бетлар.

этган тушунча ва тамойилларнинг дастлабки қораламаси эди, десак хато бўлмайди. Улар ҳар томонлама чуқурлаштирилиб борилади.

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг навбатдаги ифодаси бир гуруҳ тарихчи олимлар билан 1998 йил баҳоридаги учрашув бўлди. Учрашувда баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган сарлавҳада чоп этилиши миллий ғоя ва мафкура масалаларини ўрганиш ва муҳокама этишни янги босқичга кўтаради, янги ғоялар бойитди. Учрашувда И.А.Каримов ўзликни англаш тарихини англашдан бошланишини, маданий меросини, хусусан нодир қўлёмаларни ўрганиш лозимлигини таъкидлади. У ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, маданияти ва маънавияти тарихини ўрганшида аниқ илмий ёндашув, яхлит концепция йўқлигини танқид қилди.

Комил инсон тарбияси, комил инсон тушунчаси ҳақида фикр билдириб бизга “манман” деган олимлар билан хоҳланг иқтисодий, хоҳланг сиёсий, хоҳланг тарих, маънавият соҳалари бўлсин бемалол баҳолаша оладиган билимдон зукко, маърифатли одамлар керак”¹ дейди ҳамда ўзбек халқининг кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихини яратиш вазифасини кўяди². Зеро “Тарих-халқ маънавиятнинг асосидир”.

И.А.Каримовнинг маънавият ва миллий ғоя, мафкура борасидаги тоборо чуқурлашиб бораётган фикр ва таҳлилларнинг тадрижий янги босқичи деб, давлатимиз раҳбарининг “Туркистон” газетаси муҳбири саволларига жавобларини айтиш лозим. “Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз” сарлавҳаси остида чоп этилган мазкур жавобларда Президент шу пайтгача биз кўпроқ эски тузумни танқид қилиб келдик, “Энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди”³ дейди.

Бу шунчаки образли сўзлар эмас, балки жамият олдига, жумладан ОАВ, маънавий-марифий соҳа олдига қўйилган ижтимоий вазифа, ижтимоий мўлжал ва илмий тадқиқотчилар, олимлар учун илмий методологик кўрсатма эди.

¹Ўша асар 135-бет

²Ўша асар 298-бет

³Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7ж.-Т.: 1999, 137-139 бетлар.

Миллий ғоя ва мафкура масаласи кун тартибига қўйилиб, жамиятда баҳс ва мунозаралар қизгин эслатиб қўйиш ортиқчалик қилмасди: “Биз кишилар дунё қарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш тарафдоримиз”¹ Ушбу принципал ёндашув миллий ғоя ва мафкурани бир ёқлама шакллантиришдан, унга авторитар, ҳамма учун мажбурий ҳисобланадиган унсурларни аралаштириб юборишдан огоҳ этувчи омиллардан бири бўлди. И.А.Каримов яна бир бор янги –XXI асрга мўлжалланган маънавий-маърифий фаолият концепцияси масаласини қўяди. Шунингдек мафкуравий таҳдидларга, тарихи сохталаштириш хавфига эътибор қаратади. Ҳозирги мафкуравий оқимларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг зарарли ғоялари электрон ва босма ахборот воситалари орқали тарқалиши анча осон. Диний ва дунёвий муносабатда пайдо бўлаётган янги мафкуравий таҳдидлардан доимо огоҳ бўлиш лозим. Миллатни асраш керак. Миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоя қилиш керак. Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта, инобатга олишимиз зарур². Ушбу сўзлардан нафақат тарихни ўрганиш лозимлиги шунингдек, миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири миллатни асраш, ҳимоя қилиш эканлиги келиб чиқади.

И.А.Каримов “Маънавият деганда, авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан”³ дейди. Миллий ғоя ва мафкура-маънавиятнинг таркибий қисми, таъбир жоиз бўлса, унинг ўзагидир. Бундан эса қуйидагича хулоса келиб чиқади: Эркин фуқаро онгига яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятни камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.⁴ барча инсон экан, маънавият ва миллий ғоя концепцияси ҳам инсонга, унинг камолотига йўналтирилган.

¹ Ўша асар, 146-бет.

² Ўша асар, 301-бет.

³ Ўша асар, 302-302 бет

⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7ж.-Т.: 1999, 303 бетлар

Эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан мақсад ҳам “озод, ўз ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир”¹.

Комил инсонни тарбиялаш, эркин фуқаролик жамияти қуриш учун умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ҳаётга татбиқ ҳамда миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этикод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни сақлаб, юксалтириб бориш зарурлиги уқтирилади.²

Миллий ғоя ва мафкура борасида олиб борилган изланишлар, жаҳон илмий-фалсафий таълимотларни, назариялари тарихини, замонавий қарашларни таҳлил қилиш, мамлакатимизда мустақиллик йиллари тўпланган тажрибани, МДХ ва хориж мамлакатлардаги аҳволни ўрганиб мафкураси концепцияси яратилишига олиб келди. Бу концепцияни И.А.Каримов 2000 йил апрелида илмий ва ижодий жамоатчилик билан учрашувда “Миллий мафкура давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида” биз учун руҳий-маънавий куч-қудрат манбаи маърузасида баён қилди. И.Каримов миллий ғоя, миллий мафкура нима учун кераклигини қуйидагича ифодалайди:

Биринчидан: ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур.³ Давлат сиёсати аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозимлигини таъкидлаб, маърузадан олдин ғоя пайдо бўлиши, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлиши айтилади.

Иккинчидан: мураккаб ўтиш даврида халқ, жамият даъват қилинаётган мақсадларга фақат чуқур ўйланган, пухта ишланган мафкура асосида етишиши мумкин.

¹Ўша асар, 304 бет

²Ўша асар, 304 бет

³И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан равнақи ҳаёт пировард мақсадимиз 8-ж.-Т: 2000, 464 бет

Учинчидан: “.. вояга етмаган ёшларимиз қандай ғоя асосида, қандай мафкура негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим”.²

Тўртинчидан: танланган “ўз йўлимизни йўқотмаслик учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор”.³

Бешинчидан: миллий мафкурамиз миллий қадриятларимизга, халқимиз дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни қамраб олган ҳолда, “юрт тинчлиги, Ватан равнақи” халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.⁴

Олтинчидан: Миллий ғоя, халқимизнинг ўзлигини англашига, миллий қадриятлари ва урф-одатларини тиклаб, авайлаб-асраб янги авлодга етказиб беришга хизмат қилиши керак.

Еттинчидан, “Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак”⁵

И.А.Каримов ўзининг “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тушунчалари, тамойилларини, мақсад ва вазифаларини мустақилликнинг мустаҳкамланиши, ислохотлар стратегияси жамиятимизнинг янгиланиши, инсон юксалиши масалалари билан боғлаб янада кенгроқ очиб беради. Ушбу масаланинг кун тартибига қўйилиши сабаблари ҳақида гапириб, эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилаётганлигини таъкидлайди. Чунки “ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий мафкуралар ўз мақсадларига эришиш учун авваламбор забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади”¹

Бизга ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилаётган кучлар борлигини, улар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга эга эканлигини эслатиб,

² Ўша асар, 465-бет

³ Ўша асар, 466-бет

⁴ Ўша асар, 467-бет

⁵ Ўша асар, 473-474-бет

¹ Ўша асар, 491-бет

уларнинг энг ёвуз қуроли “эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурадир” дейди.

И.А.Каримов рўй бераётган айрим салбий ҳолатларни биринчи навбатда мафкуравий бўшлиқ билан боғлайди. Одамларимизнинг диний туйғуларидан, иймон-этиқодга интилишдан айрим ғаразли кучлар ўз кабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланаётганлигини, диний экстремизмда ташқари минтақамизда хавф солиб турган бошқа таҳдидлар (наркобизнис, ноқонуний қурол-ярок савдоси, террорчилик кабилар) қаторида бир қарашда беозор сиёсатдан ҳоли бўлиб туюладиган мафкуравий воситалар борлигини, кўпинча уларга етарли эътибор беравермаслигимизни келтиради ҳақиқатдан, бу фильмлар ёшлар қалбига зўравонлик, ватанпарварлик майлларини кўзғайди. Чунки “одамнинг қалбига иккита куч-бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади”¹.

Юртбошимиз ушбу суҳбатда, шунингдек мафкуравий таъсирлардан одамларимизни, биричи галда ёшларни ҳимоя қилиш учун миллий қадриятларини, соғлом миллий ғурурни тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш масалаларини қўйди.

Бунёдкор ва бузғунчи ғоялар, мафкуравий иммунитет масаласи ҳамда дунёвийлик асло даҳрийлик эмас, деган фикрлар маънавий ва миллий ғоя тўғрисида аввал билдирилган мулоҳазаларнинг шарҳи бўлмай, балки уларнинг ижодий бойитилиши, конкретлаштирилиши эди. Назарий мулоҳазаларини умумийлаштириб давлатимиз раҳбари шундай хулоса қиладики: “Жамиятни маънавий янгилашдан кўзлаган бош мақсад-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборатдир”.²

Жавобларда. Шунингдек, миллий ғоя ва мафкура концепциясини ҳаётга тадбиқ этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар ҳақида батафсил сўз борди.

¹Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-ж-Т.: 2000. 493-бет

² И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.” 8-ж.. Т.: Ўзбекистон. 2000. 499-бет

И.Каримовнинг мафура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмаслиги, у узлуксиз ривожланувчи жараён эканини, чунки ҳаёт янги-янги талабларни унинг олдида қўйиши, миллий мафкурани тепаддан туриб яратиб ва ҳаётга жорий этиб бўлмаслиги, унинг мазмунини ташкил этувчи миллий кадриятлар-Ватан туйғуси, она тилига муҳаббат, онага, аёлга муносабат, меҳр-оқибат, мурувват ҳамда оила, маҳалла туйғусида умуминсоний кадриятлар, дин ҳақидаги фикрлари миллий ғоя ва мафкура концепциясини ривожлантиришда, ҳаётга тадбиқ этишда катта аҳамият касб этди.

Маънавият, миллий ғоя ва мафкура концепциясининг илмий ва амалий жиҳатдан янги сифат босқичига кўтарилиши Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият, енгилмас куч ” асари билан боғлиқ. Президент жуда улкан илмий-назарий материалларни, ўз изланишларини, мулоҳазаларини ҳамда мустақиллик йиллари мамлакатимизда тўплаган тажрибани умумлаштиради.

И.Каримов таъкидлаганидек глобллашув ва ахборот технологиялари даврида халқлар ва мамлакатлар ўртасида алоқалар тамомила ўзгача шакл ва мазмун касб этди. Мамлакатлар чегаралари электрон оммавий алоқа воситалари олдида нисбий бўлиб қолди.

Иқтисодий ва маданий алоқалар, савдо-сотиқ, фуқароларнинг ёзишмалари ва бошқа кўпгина соҳаларда интернет тармоғи анъанавий алоқа усуллари, шакллари билан рақобат қила бошлади. Оммавий маданият дунёда жуда тез ва кенг тарқалди. Оммавий маданиятда баъзи бир ижодий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам кўп. Энг аввало оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, шу жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтини ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Унинг истеъмол қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, санъат асарлари эса стандартлашган миллий қиёфамиз (поп-арт) товарга айланади. Мусиқада ва ашулачиликда реп, рок каби жанрлар, жангарилик, мистик, фантастик фильмлар, триллерлар, блок-бастерлар фикрларимизни тасдиқлайди. Оммавий маданият ниқоби остида ватқи- вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар (киппилар,

панклар, рокерлар ва ҳ.к), фаҳш ва зўравонликни, вампирлик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очикчасига порнографик сахналардан иборат кассеталар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади.

“Табиийки, “Оммавий маданият” деган ниқоб остида алоҳида бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъанавий қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қолмайди”¹, деб ёзади юртбошимиз “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида.

Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масаланинг ўзи жиддий сиёсий, маънавий ва илмий муаммога айланади. И.А.Каримов масаланинг бу томонларини ҳеч қачон эътибордан қочирмагани. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида ҳозирги замон таҳдидларини, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибасини ҳисобга олиб, маънавият миллатни ва инсонни нафақат юксалтирувчи, балки уни турли тажовузлардан сақловчи, ҳимоя қилувчи куч эканини таъкидлайди.

Ислом Каримов “маънавий таҳдид” деган тушунчани илмий муомалага киритади, унинг мазмун-моҳиятини очиб беради. Ғарб илмий адабиётида “маданий экспансия”, “маданий ассимиляция” каби атамалар мавжуд эди, баъзан “маънавий таҳдид” деган ибора ҳам ишлатилар, лекин у диний мазмунда одамларнинг худога ишонмай кўяётгани, черковдан узоқлашаётгани даҳрийлик хавфи каби мазмунда ишлатилар эди. Юртбошимиз маънавий таҳдид тушунчасига мафкуравий, ғоявий, информацион, маданий куч диний таҳдидларнинг барчасини киритади: “маънавий таҳдид деганда, аввало тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда

¹ И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т.: Маънавият. 2008. 47-бет.

тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”¹

Иқтибосдан маънавий таҳдид нималардан ташкил топишидан ташқари, инсон эркинлигига қарши таҳдид эканлиги, инсонни маънавий ва мафкуравий тобе этишга қаратилгани аён бўлади. Бинобарин, маънавий таҳдидга қарши туриш-аввало инсон эркинлигини, мустақил фикр юрита олишини, унинг иймон-этикоди, эстетик диди ва ахлоқини ҳимоя қилиш ва бу орқали миллий онгни, қарашларни, маданиятни, миллий ўзига хосликни ҳимоя қилишдир. Муаллиф ёт ғоялардан, маънавий таҳдидлардан фақат миллий ғоямиз, миллий-маънавий қадриятларимиз ёрдамида ҳимояланишимиз мумкинлигига яна бир бор урғу беради. Бунинг учун уларни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозимлигини тасдиқлайди.

Миллий ғоя-этнографик тушунча эмас, яъни у Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг бошқа давларда уларга ном берган миллатнинг манфаатларинигина ифодаладиган ғоя эмас. Муайян мамлакатда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларини ифодаладиган тушунча ва тамойиллардан таркиб топади. Хусусан, барча Ўзбекистонликлар учун, миллати, тили, динидан қаътий назар. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик шундай қадриятлардир. Ислом Каримов қайд этганидек, “миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган.... юксак тушунчаларни ўз ичига олади”².

Хуллас, И.А.Каримов маънавий таҳдидларга, мафкуравий ҳужумларга қарши курашиш, алоҳида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантиришни талаб қилади, деб қайд қиладилар.

¹ И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т.: Маънавият. 2008. 13-14-бетлар.

² И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т.: Маънавият. 2008. 72-бет.

Хулоса: таклиф ва тавсиялар.

Битирув малакавий ишида юқорида билдирилган фикр, ғоя, хулосаларга асосланиб қуйидаги умумий хулосаларни билдириш мумкин.

Биринчидан: И.А.Каримов Мустақиллик йилларида миллий ғоя, миллий мафкура концепциясини яратди ва мафкура инсон ва жамият ҳаётининг таркибий қисми эканлигини асослаб берди;

Иккинчидан: И.А.Каримов мафкураларни бунёдкор ва вайронкор кўринишларга эга эканлигини асослаб беради;

Учинчидан: мустақилликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун И.А.Каримов миллий мафкура ҳақидаги таълимотни асослаб беради;

Тўртинчидан; И.А.Каримов ўтиш даврида ғоявий бўшлиқ, содир бўлишини ва уни миллий ғоя билан тўлдириш заруратларини ҳам асослаб берди;

Бешинчидан; Мустақиллик йилларида турли таҳдидларнинг кучайиб кетиши мафкуравий иммунитет масаласини И.А.Каримов томонидан асослаб берилишига олиб келди;

Олтинчидан: мафкуравий иммунитет И.А.Каримов таъкидлаганидек ўз-ўзидан шаклланмайди, балки юртбошимиз қайд қилганидек ғоявий тарбиянинг мавжуд барча усуллари, шакллари, воситаларидан кенг фойдаланган тақдирдагина шаклланади.

Таклиф ва тавсиялар:

Таклифлар: 1. Миллий ғоя, айниқса мафкуравий иммунитет мавзусини ўқувчи, талабаларга тўлароқ тушунтириб бериш учун унинг дарс соатларини қисқартириш эмас (ҳозир шундай бўлаётир, йилдан-йилга), балки маълум даражада кўпайтиришига эришиши зарур;

2. Мафкуравий иммунитет масаласи нафақат дарсларда ҳам кенгроқ тарғиб қилинса яхши бўлар эди.

Тавсиялар:1. И.А.Каримовнинг миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги концепцияси асослари ҳақида монография, рисоалар алоҳида нашр қилиш зарурлигини тавсия қиламиз.

2. Миллий ғоя, миллий мафкура ҳақидаги, жумладан, мафкуравий иммунитет ҳақидаги антологияни (бир гуруҳ муаллифларнинг танлаб олинган асарлари тўплами) ҳам нашр қилиш зарурлигини тавсия қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” –Т. Ўзбекистон. 2012 йил.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” -Т.: Ўзбекистон. 1992 йил.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” -Т.: Ўзбекистон. 1997 йил.
4. Каримов И.А. “ Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ , миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” -Т.: Ўзбекистон. 1998 йил.
5. Каримов И.А. “ Тарихий хотирасиз келажак йўқ “ -Т. Ўзбекистон. 1998 йил.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср сари интиломда “ -Т.: Ўзбекистон. 1999 йил.
7. Каримов И.А. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз” -Т.: Ўзбекистон. 1999 йил.
8. Каримов И.А. “ Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” -Т.: Ўзбекистон. 2000 йил.
9. Каримов И.А. “Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи “ -Т.: Ўзбекистон. 2000 йил.
10. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч “ -Т.: Ўзбекистон. 2008 йил.
11. Каримов И.А. “Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида “ -Т.: Ўзбекистон. 2012 йил.
12. Каримов И.А. “Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажакимизнинг гаровидир “ -Т.: Ўзбекистон. 2012 йил.
13. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш “ -Т.: Ўзбекистон. 2012 йил.

14. Д.Алимованинг “Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир” -Т.: Ижодиёт дунёси. 2002 йил.
15. Бегматов А, Рустамова Рнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маданий – маърифий тадбирлар” -Т.: Маънавият. 2008 йил.
16. Ҳ. Бобоев , З.Ғофуров, З.Исломовларнинг “Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёти” -Т.: Янги аср авлоди. 2008 йил.
17. Ҳ.Бобоев, З.Ғофуровларнинг “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти” -Т.: Янги аср авлоди. 2001 йил.
18. “Ватан юракдаги жавоҳир” -Т.: Янги аср авлоди. 2001 йил.
19. А.Жалоловнинг “Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият мафкура.” -Т.: Ўзбекистон. 1994 йил.
20. Н.Жўраевнинг “Агар огоҳ сен “ -Т.:1998 йил.
21. Н.Жўраевнинг “Мафкуравий иммунитет “ -Т.: Ўзбекистон. 2000 йил.
22. Н.Жўраевнинг “Ғоявий иммунитет “ -Т.: Маънавият. 2001 йил.
23. Н. Жўраевнинг “Янгиланишлар концепцияси” -Т.: Ўзбекистон. 2002 йил.
24. Н. Жўраевнинг “Тарих фалсафасининг назарий асослари” -Т.: Ўзбекистон. 2008 йил.
25. А. Иброҳимовнинг “ Бизким, ўзбеклар....” -Т.: Ўзбекистон. 1999 йил.
26. М. Имомназаров, У. Саидовларнинг “Миллий тараққиётнинг маънавий ахлоқий асослари” -Т.: Академия. 2005 йил.
27. Б.Исоқовнинг “Зиёлилик масъулияти” -Т.: Маънавият. 2008 йил.
28. “Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар” -Т.: Ижод дунёси. 2002 йил.
29. С.Мамашокиров, Ш.Тоғаевларнинг “Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий масалалари” -Т.: Маънавият. 2007 йил.
30. Ш. Мадаевнинг “Миллий минталитет ва демократик тафаккур” (-Т.: Тошкент. 2007 йил.
31. “Маънавий юксалиш йўлида” -Т.: Маънавият. 2008 йил.
32. Қ.Назаровнинг “Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари” -Т.: Ижод дунёси. 2002 йил.

33. У.Саидовнинг Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари “ -Т.: Академия. 2005 йил.
34. “Миллий ғоя ва раҳбар маънавияти” -Т.: Академия. 2007 йил.
35. Ж. Туленов, К.Юсупов , З. Ғофуровларнинг “Истиқлол тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари” -Т.:Ўзбекистон. 1993 йил.
36. Ш.Тураевнинг ”Демократик жараёнлар ва миллий ғоя” -Т.: Маънавият. 2008 йил.
37. Б.Умаровнинг “Глобаллашув зиддиятлари” -Т.: Маънавият. 2008 йил.
38. Х.Худойбердиев ва бошқаларнинг “Ўзбекистоннинг мустақиллик тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар” -Т.: Ижод дунёси. 2002 йил.
39. Х.Худойбердиевнинг “Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарурий ғояларнинг жамиятимизга таъсири// миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти” -Т.: Академия. 2007 йил.
40. А.Чориев, А.Мансуровларнинг “Ғоя, тарих ва миллий тафаккур “ (-Т.: Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти. 2002 йил.
41. Ғ.Шодиевнинг “Маънавият ва ёшлар” -Т.: Маънавият. 2008 йил.
42. А.Эркаевнинг “Ўзбекистон йўли-Т.: Маънавият. 2011 йил.
43. М.Қуроновнинг “Эзгу ғоялар рўёби” -Т.: Маънавият. 2011 йил.